

ISSN 2181-9521

№ 8-son, 2021



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



ОҚ ЙЎЛ СИЗГА

2021 йил 6 август куні Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабида Олий мактабнинг 2020-2021 ўқув йили магистратура босқичини муваффақиятли тамомлаган тингловчиларга диплом топшириш тантанали маросими бўлиб ўтди.



Тантанали тадбир Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янграши билан бошланди.



Бу йилги ўқув йилида жиноят ҳуқуқи ихтисослиги бўйича 25 нафар, фуқаролик ҳуқуқи ихтисослиги бўйича 18 нафар, иқтисодий ҳуқуқ ихтисослиги бўйича 18 нафар ва маъмурий ҳуқуқ ихтисослиги бўйича 12 нафар, жами 73 нафар тингловчи Судьялар олий мактабини муваффақиятли тамомлади.



МАГИСТРЛАР!



Ўқув йили давомида намунали хулқи, билимга чанқоқлиги тиришқоқлиги билан бошқалардан ажралиб турган тингловчилар учун жорий этилган “Энг фаол тингловчи”, “Энг фаол китобхон” номинациялари бўйича голиб деб топилган тингловчиларга мукофотлар топширилди.

Умиджон САФАРОВ,

“Энг фаол тингловчи” номинацияси голиби:

– Қарийб бир йил давомида Судьялар олий мактабида судьяликдек жуда масъулиятли касбнинг сир-асрорларини ўргандик.

Таълим даргоҳида биз тингловчиларнинг нафақат юридик билимларимиз, балки, чуқур психологик кўникмаларимиз ҳам шакллантирилди. Судьянинг профессионал фаолиятида муҳим аҳамият касб этадиган вақтни бошқариш, вазиятни баҳолаш каби муҳим йўналишлар бўйича тажрибали мутахассислардан сабоқ олдик.

Ўқув йили давомида бизга қаратилган эътибор, ўқиш ва ўрганиш учун яратилган муносиб шарт-шароитлар алоҳида эътиборга молик. Бундай имкониятлар учун миннатдорлик билдириш билан бирга, бизга юксак жавобгарликни ҳам юклашини таъкидлаш керак. Энди амалиётда Олий мактабда олган билим ва кўникмаларимизни қўллаб, жамиятимиз тараққиёти учун сидқидилдан меҳнат қиламиз.

Баҳодир СУЛТОНОВ,

Иқтисодий ҳуқуқ ихтисослиги бўйича магистр:

– Бугун менинг ҳаётимдаги унутилмас кунлардан бири. Биз бир гуруҳ тингловчилар бевосита Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган Олий мактабнинг 2020-2021 ўқув йилини муваффақиятли тамомлаб, магистрлик дипломига эга бўлдик. Устозларимиз бизга судьяликдек юксак масъулиятли ва шарафли касб сари оқ йўл тилашмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, “янги Ўзбекистон судьясининг онгида адолат, тилида ҳақиқат, дилида поклик устувор бўлиши лозим”. Мана шу ғоядан биз ҳеч қачон оғишмаслигимиз керак. Акс ҳолда, суднинг “Адолат уйи”га айланиши сўроқ остида қолади...



Саҳифаларни Анвар ҲАМИДОВ тайёрлади.

“ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Холмўмин ЁДГОРОВ
Убайдулла МИНГБОЕВ
Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ
Дилшод АРИПОВ
Комил СИНДАРОВ
Илҳом НАСРИЕВ
Малика ҚАЛАНДАРОВА
Беҳзод МЎМИНОВ
Собир ХОЛБОЕВ
Шерзод ЮЛДАШЕВ

Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРОДОВ

Навбатчи муҳаррир

Шахбоз САИДОВ

Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январдаги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар бўйича диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй
Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда 0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан фойдаланилганда, манба қайд этилиши керак.

Босишга 27.08.2021 да руҳсат берилди.

Бичими 60x84 1/8, 8 босма табак
Буюртма № 12 Адади 1471
Баҳоси келишилган нарҳда

“Aldin-group” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй

МУНДАРИЖА**6**

КҲН МАВЗУСИ

СУД – ЯНГИ ЖАМИЯТ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

МУНОСАБАТ

11

“СУД – ИНСОНПАРВАРЛИК”

12

МУШОҲАДА

ҚИЙНАШ ЖИНОЯТИНИ СОДИР ЭТГАН ШАХСНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ

МУҲИМ МАВЗУ

16

ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИ ВА ИЧИМЛИК СУВИДАН ФОЙДАЛАНИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР

19

ИБРАТ

ТЎЛАНМАСДАН УЗИЛГАН ҚАРЗ

ТАДҚИҚОТ

20

ЖИНОЯТНИНГ МАХСУС СУБЪЕКТИ СИФАТИДА МАНСАБДОР ШАХС ТУШУНЧАСИ ВА БЕЛГИЛАРИ

24

ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИГА НИСБАТАН ШАХСИЙ НОМУЛК ИЙ ҲУҚУҚЛАРНИНГ МЕРОС МАСАЛАЛАРИ

МУТАХАССИС МУЛОҲАЗАСИ

28

ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ
ЭҲТИЁЖЛАРИ АСЛИДА
КИМ УЧУН, НИМА УЧУН?

31

ЯНГИ БОСҚИЧ

ФЕРМЕР ҲУҚУҚИЙ
МАДАНИЯТИНИ
ЮКСАЛТИРИШ АГРАР
СОҲА РИВОЖИНИНГ
КАФОЛАТИ

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

34

СУДЛАРДА ЖАМОАТЧИЛИК
НАЗОРАТИ ИШТИРОКИНИ
ТАЪМИНЛАШ АСОСЛАРИ

36

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМОАТ
ЭКОЛОГИК НАЗОРАТИНИ
ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ
МАСАЛАЛАРИ

ҚОНУН ВА АМАЛИЁТ

38

СОДДАЛАШТИРИЛГАН
ТАРТИБ ИНСТИТУТИНИ
ЖИНОЯТ ИШЛАРИ
ЮРИТУВИГА ЖОРИЙ
ҚИЛИШДАГИ МУАММОЛАР

41

ПРОЦЕСС

ЮРИДИЧЕСКИЕ ФАКТЫ
В ГРАЖДАНСКОМ ПРАВЕ:
ПРОБЛЕМЫ ТЕОРИИ
И ПРАКТИКИ

44

МНЕНИЕ ЭКСПЕРТА

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
УСТАНОВЛЕНИЯ СУДЕБНОГО
КОНТРОЛЯ НАД ВОЗБУЖДЕНИЕМ
УГОЛОВНОГО ДЕЛА

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПРАКТИКА

48

СОДЕРЖАНИЕ НОРМОТВОРЧЕСКОГО
ПРОЦЕССА В ЗАРУБЕЖНЫХ
СТРАНАХ

51

СУДЕБНАЯ РЕФОРМА

ПЕРЕСМОТР ВСТУПИВШИХ
В ЗАКОННУЮ СИЛУ СУДЕБНЫХ
АКТОВ ПО ВНОВЬ ОТКРЫВШИМСЯ
(ИЛИ НОВЫМ) ОБСТОЯТЕЛЬСТВАМ

ВАЖНАЯ ТЕМА

54

ГРАЖДАНСКО-ПРАВОВЫЕ
ПРОБЛЕМЫ, СВЯЗАННЫЕ
С ДОГОВОРАМИ,
СОСТАВЛЯЕМЫМИ
В ОБЯЗАТЕЛЬНОМ ПОРЯДКЕ

58

COMPARATIVE ANALYSIS

PROSECUTOR'S
POWERS IN CRIMINAL
CASES AT THE COURTS
OF FIRST INSTANCE

ҲУҚУҚ ВА ТАРАҚҚИЁТ

63

ТЕЛЕТИББИЁТ – ҲАҚ ЭВАЗИГА
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ:
ФУҚАРОЛИК МУНОСАБАТИНИНГ
ЯНГИ ТУРИ

СУД – ЯНГИ ЖАМИЯТ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА



Суд – замонавий демократик давлатнинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлиб, жамият тараққиётида ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Ҳар томонлама ривожланган, илғор демократик давлатлар қаторидан жой олишни мақсад қилиб белгилаган Янги Ўзбекистонда суд органлари фаолиятини такомиллаштириш, бугунги кун талабларига жавоб берадиган чинакам мустақил суд тизимини шакллантириш янги ислохотларнинг ажралмас бир қисмига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сонли Фармонида янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”ги қонунини қабул қилиш зарурлиги белгиланган эди.

Мазкур Фармоннинг ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири 2021 йил 28 июль куни Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланди. Унда белгиланган янги нормалар суд орқали халқимизнинг муносиб ҳаёт кечирishi, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқаришга мустаҳкам асос бўлади.

Қуйидаги давра суҳбатида қонунчиликка киритилган янгиликлар, унинг мазмун-моҳияти, амалий аҳамияти ҳақида батафсил фикр-мулоҳазалар юритилади.

Холмўмин ЁДГОРОВ,

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси:

– 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини амалда таъминлаш ҳамда унинг фаолиятини сифат жиҳатдан тубдан яхшилаш масаласи алоҳида белгиланган эди. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон суд тизимида мутлақо янги бир давр бошланиб, одил судлов ташкилий нуқтаи назаридан ҳам, моҳият эътиборига кўра ҳам янги қиёфа касб этди. Бундай ўзгаришлар халқаро миқёсда эътироф этилаётгани ҳам маълум.

Мамлакатимиз суд тизими тарихида илк бор халқаро стандартлар ва ривожланган демократик давлатларнинг илғор тажрибасига тўлиқ мос келадиган судьяларни танлаш ва лавозимга тайинлашнинг очик ва шаффоф тизими яратилди. Конституциявий орган бўл-



ган – Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилди. Кенгаш судьялик лавозимига номзодларни танлаш ва тайинлашда уларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва жамиятдаги тутган ўрнидан қатъи назар, тенглик принципига риоя қилади.

Жорий этилган судьялик лавозимига танлаш ва тайинлашнинг янги тартибига ахборот технологиялари татбиқ этилиши натижасида инсон омили кескин чекланди. Танлов жараёнининг очиқлиги таъминланиб, уни бевосита ва билвосита (онлайн тарзда) кузатиб бориш имконияти яратилди.

Судьялик лавозимларига номзодлар ва судьяларнинг касбга муносиблигини баҳолашга кўмаклашувчи миллий психологик тест тизими амалиётга татбиқ этилаётгани ҳам бу борадаги ишлар ҳолислиги ва самарадорлигини таъминлаш, муносиб номзодларни танлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шубҳасиз, суд-ҳуқуқ ислохотларининг ҳозирги босқичида Давлатимиз раҳбарининг “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони (2020 йил 7 декабрдаги ПФ-6127-сон) алоҳида ўрин тутади. Яқинда кучга кирган янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”ги Қонунда ҳам Фармондан келиб чиқадиган қатор ўзгартиш ва қўшимчалар ўз аксини топган.

Хусусан, янги таҳрирдаги Қонунда судьянинг дахлсизлигини таъминлашга оид нормалар кенг ўрин олгани аҳамиятлидир. Бунда тегишли малака ҳайъати розилигисиз судьялар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга гувоҳ ёки гумон қилинувчи сифатида сўроқ қилиш учун чақиришга йўл қўйилмаслиги алоҳида кафолат сифатида қайд этилди. Шунингдек, судьялар дахлсизлигини бузганлик ва уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашганлик ҳолати бўйича Судьялар олий кенгаши раисининг прокуратура органларига тақдимнома киритиш ваколати ҳамда унга жавоб бериш муддати ҳам ўз ифодасини топган. Судьялик лавозимида бўлишнинг ёши, Олий суд судьялигига номзодларга қўйиладиган янги тартиб ва талаблар хусусида ҳам шундай дейиш мумкин.

Судьялик фаолиятини тўлақонли амалга оширишда муҳим аҳамият касб этадиган бир нечта ижтимоий омил бор. Судьянинг ўзи фаолият юритаётган ҳудудда яшаши учун уй-жой билан таъминланиши масаласи бунга амалий мисол бўлади. Янги таҳрирдаги Қонунда уй-жойга муҳтож бўлган судья маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда суд жойлашган ерда



хизмат турар жойи билан таъминланиши қатъий белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, судьянинг ўзига доимий яшаш учун белгиланган тартибда турар жой берилгунга қадар турар жой ижараси (иккиламчи ижараси) билан боғлиқ харажатлари компенсация қилиниши ҳам назарда тутилган.

Ваколат муддати тугаган судьянинг ўртача ойлик иш ҳақи уларни янги ваколат муддатига қайта тайинлаш (қайта сайлаш) масаласи ҳал қилинаётган даврда ёхуд бошқа иш берилгунга қадар, лекин кўпи билан уч ойгача сақлаб қолиниши ҳам қонуна мустаҳкамланди.

Қонун билан судьялар ва уларнинг оила аъзоларига тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда уларнинг соғлигини тиклашга оид ижтимоий ҳимоя чоралари белгиланди.

Бу нормалар судьяларимизнинг моддий таъминотини яхшилаш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини кучайтиришга хизмат қилади.

“Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири БМТнинг 1985 йилда бўлиб ўтган 7-Конгрессида қабул қилинган “Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари”да қайд этилган барча меъёрларга мос келади ва пировард натижада судлар мустақиллигини таъминлаш ва одил судлов самарадорлигини оширишга хизмат қилиши муқаррар.





Мирали МИРРАХИМОВ,

жиноят ишлари бўйича

Тошкент туман суди раиси:

– Янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига киритилган ўзгаришлар бевосита Ўзбекистоннинг очиқлик сиёсатига ҳамоҳанг. Унда демократик ислохотлар ва инсон ҳуқуқларининг рўёби йўлида суд тизими фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган муҳим нормалар ўз аксини топган. Хусусан, суд процессларининг очиқлигини таъминлаш тўғрисида қуйидаги демократик қоида ўрнатилди: “барча судларда ишлар очиқ кўрилади. Ишларни ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқишга фақат қонунда белгиланган ҳолларда йўл қўйилади. Суд мажлиси залида ҳозир бўлган шахслар, оммавий ахборот воситалари вакиллари суд мажлиси залида қонунда белгиланган тартибда фотосуратга олиши, видео ва аудио ёзувни амалга ошириши мумкин.”

Давлатимиз раҳбари Парламентга Мурожаатномасида “Бундан буён ҳар бир давлат органи ўз кундалик фаолиятида оммавий ахборот воситалари билан яқин мулоқот ва ҳамкорликни йўлга қўйиши зарур ва шарт” деб вазифа қўйган эдилар. Биз юқорида келтириб ўтган, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш билан боғлиқ қоида мана шу вазифани бажариш учун ҳуқуқий асос бўлади.

Қачон давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш мумкин бўлади? Қачонки, давлат органлари оммавий ахборот воситалари билан яқиндан ҳамкорлик қилса, суд процессларини кўпроқ ёритиб борсагина очиқлик таъминланади. Зеро, янги Ўзбекистон тараққиётининг ўзига хос жиҳатла-



ридан бири ҳам мана шу шаффофликда намоён бўлмоқда.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, суд муҳокамасининг жамоатчилик учун ошкоралиги, судьялар ёки суд тизими фаолияти тўғрисида аҳолига ўз вақтида холис, ҳаққоний ахборотларни тарқатиш жамиятда ҳуқуқий маданият даражаси ошишига имкон яратади. Бунинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, фуқароларнинг суд ҳокимиятига нисбатан ишончининг ортишига хизмат қилади. Одил судловни амалга оширишнинг муҳим кафолатларидан бири ҳам суд органлари фаолиятининг очиқлигидир. Янги таҳрирдаги нормалар айнан суд процесслари муҳокамаси ошкоралиги ва судлар фаолиятига доир ахборотни олиш ҳуқуқини амалга ошириш учун зарур шароит яратилишига мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлади.

Лекин, шуни ҳам унутмаслик керакки, суд процессини фотосуратга олиш, видео ва аудио ёзувни амалга оширишнинг қонунчиликда белгиланган тартибига қатъий риоя қилиниши шарт. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига асосан ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишларни, шунингдек фуқароларнинг шахсий ҳаёти ҳақидаги маълумотларни ёки уларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситадиган маълумотларни ошкор қилмаслик мақсадида ҳамда жабрланувчининг, гувоҳнинг ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг, худди шунингдек улар оила аъзоларининг ёки яқин қариндошларининг хавфсизлигини таъминлаш тақозо этилган ҳолларда оммавий ахборот воситалари вакиллари суд залига қўйилмайди ва бундай суд мажлисларини фотосуратга олиш, видео ва аудио ёзувни амалга ошириш мумкин эмас.

Суд муҳокамаси ошкоралиги, судлар фаолиятига доир ахборотни олиш фуқаролик, жиноят, иқтисодий ва маъмурий суд ишларини юритиш вазифаларини амалга оширишга хизмат қилиши ва судлов фаолиятига бирон-бир тарзда аралашшига олиб келмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикаси Судьяларининг одоб-ахлоқ кодексига кўра, жамиятни суд фаолияти тўғрисида холис, ишончли ва тезкор хабардор қилиш мақсадида судья оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳамкорлик қилиши ҳамда суд ишларини оммавий ахборот воситаларида профессионал даражада ёритишга кўмак бериши зарур. Аммо, суднинг иш юритувида бўлган ишлар бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари қонуний кучга киргунга қадар судья улар юзасидан оммавий ахборот воситаларида чиқиш қилишга ҳақли эмас.

“Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳриридаги ўрнатилган янги қоидалар суд муҳокамаси ошкоралигини таъминлашга тўла ҳуқуқий асос бўлади.



Завқиддин ЯРАШЕВ,

жиноят ишлари бўйича

Янгиҳаёт туман суди судьяси:

– Ҳақиқатан ҳам сўнги йилларда суд тизими ташкилий ва моҳияти жиҳатидан тубдан ўзгарди. Янги босқичдаги ўзгаришларга биноан мамлакатимиз судьяларининг ваколат муддатлари қайта кўриб чиқилиб, дунё стандартларига мослаштирилди. Жумладан, судья биринчи марта 5 йиллик муддатга, навбатдаги 10 йиллик муддатга ва лавозимда бўлишнинг муддатсиз даврига сайланиши ёки тайинланиши амалиётга жорий этилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Суд органлари мустақиллиги асосий принципларида судьянинг ваколати муддатлари судьялик лавозимида юқори ёшига қадар сақланиб қолишини назарда тутди. Ва бу судьянинг мустақиллиги масаласида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Янги таҳрирда белгиланган – 35 ёшдан кичик бўлмаган, фуқароларнинг яшаш ёки иш жойидаги йғилишида очиқ овоз бериш йўли билан икки ярим йил муддатга сайланган Ўзбекистон фуқароси халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкинлиги ҳам алоҳида эътиборга молик. Маълумки, суд процессида халқ маслаҳатчиси институти одил судлов таъминланишида жуда муҳим. 35 ёшдан кичик бўлмаган фуқаронинг халқ маслаҳатчиси бўлиб сайланиши сўнги йиллардаги суд ислохотлари натижасида мамлакатимизда судьялик лавозимига тайинланадиган ёки сайланадиган номзодларнинг ёш цензи оширилганлиги билан чамбарчас боғлиқ. Олдин ўттиз ёшдан кичик бўлмаган фуқаролар судья лавозимига тайинланиши мумкин эди. Ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга ва юридик ихтисослиги бўйича, аввалбор, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси туманлараро, туман (шаҳар) судининг, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги ўргартиш киритилди. Бу бежиз эмас, сабаби судья жамият ва инсон тақдирига дахлдор бўлган қарорларни қабул қилади. Шубҳасиз, бундай масъулиятли лавозимда ёш масаласи ҳал қилувчи омиллардан бири ҳисобланади. Судьянинг

фақат адолатли ва қонуний қарор қабул қилиши учун ундан кўп йиллик ҳаётий ва иш тажрибаси талаб этилади. Айнан шунга мослаштирилган ҳолда 35 ёшдан кичик бўлмаган фуқаролар халқ маслаҳатчиси бўлиши белгиланди.

Илғор демократик мамлакатларнинг тажрибасида ёш цензи бўйича турли ёндашувлар мавжуд. Баъзи ривожланган демократик мамлакатларда судьялар ёшига нисбатан талаб юқори. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Америка Қўшма Штатлари ва Францияда судьялар учун аниқ ёш цензи белгиланмаган. Аммо, мутахассислик бўйича зарур меҳнат стажининг юқорилиги ва бошқа талаблардан келиб чиқиб, ушбу лавозимга АҚШда 40-45 ёшдан, Францияда 40 ёшдан сўнгина амалда тайинланиш мумкин. Буюк Британияда эса мустақил адвокат лавозимида 10 йилдан 20 йилгача ишлаган шахсларгина судья мақомига эга бўлиши мумкинлигидан келиб чиқиб, ёш цензи ўртача 35-45 ёшни ташкил этади.

“Ўзбекистон Республикасининг Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонунига ҳам тегишли ўзгартириш киритилган эди. Унга мувофиқ, судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захирасига кириш ёши ҳам оширилди. Унга биноан захирага судьялик лавозимлари учун зарур билимга, етарли ҳаётий тажрибага ва бенуқсон обрў-эътиборга эга бўлган юқори малакали юристлар орасидан ўттиз уч ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотли, юридик ихтисос бўйича камида беш йиллик иш стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари киритилиши мумкин. Ушбу ёшнинг белгиланишида, шу жумладан, номзодларнинг шахсий фазилатларини ва касбий фаолиятини ўрганиш ҳамда Судьялар олий мактабида ўқиш муддатлари эътиборга олинган.

Халқаро экспертлар томонидан бундай демократик ислохотлар юксак баҳоланмоқда. Уларнинг эътирофи эътиҳа Ўзбекистонда суд органларининг чинакам мустақил ҳокимият тармоғига айланаётганлиги бугунги кун амалиётида яққол кўзга ташланмоқда.





Шерзод ЖАМОЛОВ,

фуқаролик ишлари бўйича

Яккасарой туманлараро судининг судьяси:

– Мамлакатимиздаги чуқур демократик ўзгаришлардан келиб чиқиб ёндашадиган бўлсак, “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрирда қабул қилинишига зарурият бор эди. Сабаби, бу қонун дастлаб мамлакатимиз мустақиллигининг илк йилларида, яъни 1993 йилда қабул қилинган. Кейинчалик орадан 7 йил ўтиб, 2000 йилда янги таҳрирда қабул қилинган бўлиб, бугунги ислохотлар талабларига тўлиқ жавоб бермасди.

Кейинги йиллардаги кенг кўламли суд ислохотлари талаби асосида қабул қилинган янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”ги Қонун моҳияти ва унинг аҳамияти ҳақида гап кетганда алоҳида таъкидлаш керакки, бу мамлакатимиз суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилган навбатдаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Унга кўра, одил судловни амалга оширишда ҳар бир кишига малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, жиноят-

чиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш бўйича бир қатор амалий ишлар бажарилди ва у тизимли давом эттирилмоқда.

Бунинг натижасида жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш воситасида инсонларга муносиб турмуш шароитлари яратиб берилмоқда. Аҳамиятлиси бундай амалий натижалар халқаро ҳамжамият томонидан ҳам юксак баҳоланмоқда. Эътибор қилинг, айнан суд органлари фаолияти такомиллаштирилиши оқибатида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида юқори кўрсаткичларга эришилмоқда. Қўлга киритилган бундай ютуқлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш баробарида мамлакатимиз нуфузини халқаро майдонда ҳам юксалишига ҳисса қўшди. Хусусан, 2020 йил ҳолатига Ўзбекистон “Қонун устуворлиги” индексида 128 мамлакат ичида 92-ўринни эгаллаган ҳолда 3 та индикатор бўйича тўплаган баллари сезиларли даражада ошди.

Шунингдек, янги таҳрирдаги қонунда ҳеч ким суд қарорига асосланмаган ҳолда қамоққа олиниши мумкин эмаслиги тўғрисидаги қоида алоҳида белгиланиши халқаро ҳужжатларда назарда тутилган умуминсоний принципларга тўла мос келади. Шу ўринда Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларациясининг тегишли моддасида қуйидаги нормани келтириш ўринли: “Ҳар бир инсон ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбнинг қанчалик даражада асосли эканлигини аниқлаши учун тўлиқ тенглик асосида унинг иши ошкора ва адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга.”



Судьяларимизнинг фикр-мулоҳазаларини умумлаштирадиган бўлсак, янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни моҳият эътиборига кўра, Янги Ўзбекистон тараққиётининг устувор ғоясига айланган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этадиган суд тизими фаолияти такомиллашувининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайди.

Пировард натижада “адолатни қарор топтириш”га қодир бўлган суд органлари фаолиятини замон талабларига мослаштиришга хизмат қилади.

Давра суҳбатини журналист Арслон ЭШМУРОДОВ тайёрлади.



Хайрулло АБДУЛЛАЕВ,
Ғиждувон туманлараро иқтисодий суди судьяси

“СУД – ИНСОНПАРВАРЛИК”

Янги Ўзбекистон суд ҳокимиятининг мустақиллиги, янги жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида гап кетганда, қуйидаги статистик маълумотларни алоҳида келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ:

2020 йилнинг ўзида судлар томонидан 719 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилган; судланган шахсларнинг 74 фоизига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланган; 5 958 та шахсга нисбатан асоссиз қўйилган моддалар айбловдан чиқарилган ёки ўзгартирилган; охириги икки йилда маҳаллий давлат ҳокимият органларининг 2,5 мингга яқин қарори жисмоний ва юридик шахслар аризасига кўра судлар томонидан ҳақиқий эмас деб топилган.



Азизбек АСАДОВ,
Ғиждувон туманлараро иқтисодий суди девонхона муdiri

Аҳамиятлиси, бу статистик маълумотлар шунчаки оддий рақамлар эмас, ҳар бирининг ортида Ўзбекистон фуқаросининг тақдири ётибди. Инсон ҳаётга бир марта келади. Минг афсуски, хом сут эмган банда билибми ёки билмай хато қилиб кўяди, эҳтимол бу хато қонунчиликка биноан жиноят деб баҳоланар. Лекин...

Шу ўринда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси раиси, устозимиз Убайдулла Мингбоевнинг “суд – инсонпарварликдир” дегар пурмаъно фикрлари ёдга келади. Зеро, суднинг инсонпарварлиги фақат адолатли ва оқилона қарорлар қабул қилишда намоён бўлади.

Дарҳақиқат, суд органлари фаолиятининг моҳиятини фақат жазо тайинлаш эмас, балки инсоннинг кадр-қиммати, шаъни, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ташкил этади. Устозимизнинг таърифлашича, одил судловнинг мақсади инсонпарварликдир. Инсонпарварлик – бу маданиятдир. Суд маданиятини юксалтириш, ҳар бир суд жараёнида суд этикаси қоидаларига тўла риоя қилинишини таъминлаш пировардида адолатли суд қарорларини қабул қилинишига олиб келади.

Суд – адолат уйига айланиши учун бугунги куннинг судьяси судда кўрилайётган барча тоифадаги низоларни, қолаверса суд жараёнида ҳам юзага келадиган ҳар қандай масалани фақат қонунга асосланган


ҳолда, ички ишончга таяниб, турли ҳиссиётларга берилмасдан, энг муҳими беғараз ва холисона ҳал эта билиш қобилиятига эга бўлиши зарур.

Шубҳасиз, суд қарорлари қабул қилинишида судья биринчи навбатда инкор этиб бўлмайдиган далилларга асосланади ва бу қонун талаби нуқтаи назаридан жуда тўғри ёндашув. Шу билан биргаллик инсонпарварлик гоёсидан келиб чиқиб, шарт-шароит ва вазиятни ҳисобга олиб, касбий билим ва тажрибага, одоб-ахлоқ ва маданият тамойилларига ҳам лозим даражада асосланса мақсадга мувофиқ бўлади. Вазиятни баҳолаш, хулоса чиқариш учун мантиқий мушоҳада ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабида магистрлар тайёрлаш, судья ва суд аппарати ходимларининг малакасини ошириш жараёнидаги дарс машғулотларида тингловчиларни мустақил фикрлашга ўргатадиган, вазиятни баҳолаш кўникмаларини шакллантиришга алоҳида аҳамият қаратилади. Шу мақсадда ўқув дастурларига бугунги кун судьяси учун муҳим ҳисобланган вазиятни баҳолаш, судлар ишини ташкил этиш, касбий этика, ишчанлик мулоқоти ва вақтни бошқариш кўникмаларини ҳосил қилиш, суд кадрларининг илмий-таҳлилий ва креатив салоҳиятини шакллантириш борасидаги машғулотлар киритилган.

Булардан кўзланган пировард мақсад – бугун дунё ҳамжамияти катта қизиқиш билан кузатаётган Янги Ўзбекистон тараққиётининг устувор гоёсига айланган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш ҳамда “адолатни қарор топтириш”га қодир бўлган суд органлари фаолиятини йўлга қўйишдир.

Шунга қаратилган жуда кўплаб амалий ишлар қилинмоқда. Хусусан, 2016-2021 йилларда мантиқий изчилликка асосланган ва бир-бирини тўлдириб бораётган демократик ислохотлар амалга оширилди. Ислохотлар самарасида Ўзбекистон суд тизимида одил судлов янги қиёфа касб этди.





Зафаржон ОМОНОВ,
жиноят ишлари
бўйича Кува тумани
судининг раиси,
ИИБ Академияси
мустақил изланувчиси

ҚИЙНАШ ЖИНОЯТИНИ СОДИР ЭТГАН ШАХСНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ

Қийнаш жиноятини содир этган шахсларнинг ижтимоий мақоми уларнинг касб-корини ўрганиш, шахсни тўлиқроқ тавсифлаш, унга хос бўлган жиҳатларни аниқлаш, низоларни зўрлик ишлатиш йўли билан ҳал қилиш ва жабрланувчиларни қийнашга мойил бўлганларни ва гуруҳларни аниқлаш имконини беради.

Зўрлик ишлатиб жиноят содир этган шахсларни тавсифловчи муҳим криминологик белгилардан бири уларнинг ёши ҳисобланади. У шахснинг жисмоний ҳолати ва имкониятларини, унинг майллари ва эҳтиёжлари, қадриятлари ва мўлжаллари, интилишлари ва қизиқишлари доирасини белгилайди. Йиллар ўтиши билан одам организми ва шахсида, унинг ижтимоий роллари ва функцияларида, феъл-атворида, қилмишларининг мотивлари мажмуида, турли вазиятларга реакцияларида, қадриятлари ва мўлжалларида ўзгаришлар юз беради. Ўтказилган тадқиқот, кўриб чиқиладиган жиноятни асосан катта ёшдаги шахслар содир этишларини кўрсатди.

Ўта криминоген гуруҳни 30–49 ёшдагилар 64,5%ни, иккинчи ўринда 25–29 ёшдагилар 17,3%ни, 18–24 ёшдагилар 9%ни, 50 ёшга тўлганлар ва ундан катталар 6,3%ни ташкил этган. Энг паст кўрсаткичлар 14–17 ёшдагилар, 60 ёшга тўлганлар ва ундан катталар улушига тегишли равишда 1,7% ва 0,7% бўлган. Бу ҳол қисман яшаш шароитларининг жадал суръатларда ўзгариши билан боғлиқ бўлиб, уларга ёш авлод ўрта ва катта ёшдаги кишиларга қараганда осонроқ мослашади. Мазкур жиноят учун ҳукм қилинганлар орасида аёллар 6,1% ни ташкил этади.

Жиноят ишларини ўрганиш қийнаш асосан ўрта ва тўлиқ бўлмаган ўрта маълумотли шахслар томонидан содир этилишини, мазкур жиноятни содир этган шахслар орасида олий маълумотлилар сони камлигини кўрсатади. Айни ҳол шахснинг билим даражаси, унинг қизиқишлари, майллари, мотивлари, ҳаётдаги мўлжаллари ва қадриятлари шаклланиши учун жуда муҳим эканлигини яна бир қарра тасдиқлайди. Шу тўғрисида ҳам маълумот даражаси қанча паст бўлса, шахс салбий таъсирлар ва ижтимоий деформацияларга шунча таъсирчан бўлади.

Қийнашни содир этганларнинг 48,9% умумий ўрта маълумотга эга, тўлиқ бўлмаган ўрта маълумотли шахслар – 27,1% ташкил қилади. Сон жиҳатидан учинчи гуруҳни ўрта махсус маълумотли шахслар ташкил этадилар – 19,2%. Олий маълумотлиларнинг улуши атиги 3,7%ни ташкил

қилади. Бу маълумотлар шахснинг маълумоти даражаси қанча юқори бўлса, унинг криминоген потенциали шунча паст бўлишини тасдиқлайди.

Шу ўринда жиноят ишлари материалларида айбдорларга берилган тавсифномалар ҳам диққатга сазовордир. Қийнашни содир этган шахсларнинг кўпчилиги яшаш жойи бўйича салбий тавсифланган – 35,56%, ижобий тавсифланганлар 15,50 фоизни, аниқ тавсифланмаганлар 3,64%ни ташкил этган. Қийнаш учун жазога ҳукм қилинганларнинг аксарияти яшаш жойидан ҳам, иш жойидан ҳам тавсифномаларга эга бўлмаганлар (46,2%). Бироқ, маҳкумларнинг кўпчилиги яшаш жойи бўйича салбий тавсифланган бўлса, уларнинг иш жойидан берилган тавсифномаларда бошқача вазиятга дуч келиш мумкин: уларда жиноятчиларнинг кўпчилиги ижобий тавсифланган (33,13%). Салбий тавсифномалар 10,94%ни ташкил қилган, жиноят ишларининг аксариятида (52,89%) тавсифномалар бўлмаган.

Тавсифномаларнинг йўқлиги шу билан белгиланадики, аксарият маҳкумлар қийнашни содир этган пайтда ҳеч қаерда ишламаган, ижобий тавсифномалар сонини қисман шу билан изоҳлаш мумкин-ки, жиноят ишларининг кўпчилигида улар аввалги иш жойидан, аксарият ҳолларда улар 3 йилдан 5 йилгача ва ундан кўпроқ муддат меҳнат қилган иш жойларидан берилган.

Қийнаш учун жазога ҳукм қилинганлар орасида меҳнатга қобилиятли, бироқ аниқ касб-корга эга бўлмаган шахслар 53,3%ни, шу жумладан ишсизлар – 9,8%ни ташкил қилган. Кейинги гуруҳни ишчилар ташкил этган – 33,8%. Сон жиҳатидан кейинги ўринда ишламайдиганлар – 2,2%, ўқувчилар – 0,9%ни ташкил этган.

Суд идораларининг маълумотларига кўра, жиноятни учун ҳукм қилинганларнинг кўпчилиги никоҳда бўлган (40,73%), оила қурмаганлар (33,13%), никоҳдан ажралганлар (19,45%) бўлган. Бу маълумотлар қийнаш учун айнан оила энг “нозик нуқта” эканлигидан далолат беради. Қийнаш билан боғлиқ энг хавфли, фожиали фактлар айнан оилада содир этилади, баъзан улар кейинчалик баданга оғир шикаст етказиш ва ҳатто одам ўлдириш билан тугайди.

Жиноят ишларини ўрганишда тирикчилик манбаларининг катта қисми оила аъзоларининг маошига тўғри келган – жами ишларнинг 44,98%; айбдор ва оила аъзоларининг маошлари ишларнинг 27,66%да тирикчилик манбаларини ташкил қилган; қийнаш учун ҳукм қилинган шахснинг маоши ўрганган ишларнинг 11,55%дагина оиланинг асосий тирикчилик манбаи борлиги аниқланган. Бу рақамлар аксарият ҳолларда жиноятчиларнинг даромад манбаларига эга эмаслиги ва ўз оила аъзолари ҳисобига яшашларидан далолат беради. Пировард натижада бундай вазият муқаррар тарзда оилада ички низоларга, оила аъзоларининг норозилигига ва уларни ҳал қилишнинг зўрлик ишлатишга асосланган усуллари қўлланишига, шу жумладан қийнаш жинояти содир этилишига олиб келади.

Келтирилган маълумотлардан кўришиб турганидек, қийнашни содир этганларнинг кўпчилигини ҳеч қаерда ишламайдиган ва малака талаб этмайдиган меҳнат билан банд бўлган ишчилар ташкил этадилар. Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, бизнинг тадқиқотимиз натижалари Л.Берковиц¹ тадқиқотидаги маълумотларга кўп жиҳатдан ўхшаш. Оилада зўрлик ишлатилишига олиб келувчи жиноятчининг ижтимоий мақоми – маълумоти даражаси, касб-кори ва даромад жиноят ишларини тадқиқ этиш натижалари билан тасдиқланади, яъни низоларни зўрлик ишлатиш йўли билан ҳал қилиш асосан ижтимоий мақоми, маданияти ва маълумот даражаси паст бўлган, тегишли равишда даромадлари йўқ ёки паст даражада бўлган шахсларга хос ва айни ҳолат, ҳеч шубҳасиз, криминоген аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, Л.Берковицнинг: “Касбий тайёргарлик, маълумот ва (ёки) даромадлари даражаси ижтимоий зинапоёда паст ўрин эгаллаш имконини берувчи кишилар агрессив хулқ-атворни мазкур зинапояннинг юқори пиллапояларида турган одамларга қараганда кўпроқ намоийш этадилар”², деган фикрига қўшилиш мумкин.

Қийнашнинг асосий омиллари қаторига алкоголизм киради, айнан алкоғолли ичимликларни суиистеъмол қилиш зўрлик ишлатиб содир этилган жиноятларнинг бирламчи сабабларидан ҳисобланади. Алкоғол ва агрессиянинг ўзаро алоқаси таҳлили наинки назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам улкан аҳамият касб этади. Зеро, жиноят ишларини ўрганиш уларнинг 90,27%ида жиноятчи маст бўлган, бироқ жиноят тафсилотларини эслайди. С.Н.Абельцев дўппослаш ва қийнашнинг 80%га яқини маргиналлар, шу жумладан алкоғолизмга йўлиққан шахслар томонидан содир этилиши тўғрисидаги маълумотларни келтиради³. Айнан қийнаш ва унга ўхшаш жиноятлар асосан маргиналларга, ижтимоий ҳаётдан узилган ва тубанликка тушган шахсларга, шу жумладан пиёнисталар, алкоғоликлар, ялқовлар ва гиёҳвандларга, жиний ўтмишга эга бўлган ва ижтимоий ҳаётга мослашмаган субъектларга хосдир⁴.

Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, қийнашни содир этган шахсларнинг 92,42% спиртли ичимликларни суиистеъмол қилади. Ўрганган жиноят ишларининг 6,68%да айбдорнинг спиртли ичимликлар истеъмол қилиши тўғрисида маълумотлар йўқ. Жами ҳолатларнинг 0,9%дагина шахслар алкоғол истеъмол қилмаган. Юқоридагилар асосида алкоғол жисмоний агрессияни ифодалашга имконият яратувчи омил сифатида қаралиши мумкин. Шунга ўхшаш маълумотларни Т.Г.Румянцев ҳам келтиради ва ичкиликбозлик одатдаги шароитларда тийиб туриладиган агрессивликни муқаррар тарзда кучайтириши⁵ни таъкидлайди.

Оилада агрессив хулқ-атворли эркакларнинг кўпчилиги ўзининг кундалик муаммолари ҳақида унутиш учун спиртли ичимликлар истеъмол қилади. Бунда улар ичкилик ташвишларни унутишга, руҳий азобларни енгиллаштиришга, кундалик ҳаёт стрессларидан халос бўлишга кўмаклашади, деб умид қиладилар. Бироқ кутилган натижага эришишга улар доим ҳам муваффақ бўлавермайдилар, уларнинг руҳий зўриқиши пасаймайди. Улар спиртли ичимликлар ёрдамида руҳий хотиржамликка эришишга ҳаракат қиладилар. Бироқ амалда бу уларнинг руҳий таъсирчанлигини янада кучайтириши мумкин. Пировард натижада алкоғол у ёки бу усулда уларнинг ўз тинчини бузувчи кишиларга, аксарият ҳолларда – ўз яқинларига нисбатан агрессив ҳаракатлари эҳтимолини кучайтиради⁶. Лўнда қилиб айтганда, алкоғолга берилиш амалда шахснинг тубанлашувига олиб келади.

Криминология фанида яратилган жиноятчиларнинг типологияларига⁷ мувофиқ зўрлик ишлатиб жиноят содир этганни, хусусан қийнашни амалга оширган жиноятчиларни қуйидагича таснифлаш имконини беради.

➔ **Вазиятга боғлиқ жиноятчилар.** Бу турдаги жиноятчилар жиноятга қўл ургунга қадар ижобий ёки нейтрал тавсифланганлар, умуман олганда ижтимоий ўзаро алоқаларнинг умумэтироф этилган қоидаларига риоя қилишга мойил бўлганлар. Мазкур шахсларнинг жиний ҳаракатлари қўққисдан юзага келган низога ноадекват реакцияни ўзида ифодалайди ёки улар интенсив гуруҳ бўлиб босим шароитига фавқулдда тушишлари билан боғлиқ бўлади. Айни ҳолда жиний ҳаракат мотивацияси асосан



ранж-алам ёки “ўзиникилар” билан бирдамлик ҳисси билан боғлиқ бўлиб, мазкур мотивация баъзан ҳаракатларга сиртдан туртки берувчи далолатчилик, мастлик ҳолати, жабрланувчининг хулқ-атвори туфайли кучли руҳий ҳаяжонланиш билан рағбатлантирилади. Мазкур шахснинг онги ва хулқ-атвори ҳамда уни қуршаган микромуҳитнинг ғайрияхлоқий элементлари мавжуд бўлса-да амалда кўринмайди. Кўриб чиқиладиган жиноятда ушбу тип кам учрайди, чунки қийнаш жиноий ҳаракатларини квалификация қилиш анча қийин бўлиб, унда асосан камида учта дўппослаш воқеаси ҳисобга олинади, баданга шикаст етказилганда эса қилмиш кўпинча бошқа таркиблар бўйича квалификация қилинади. Биз ўтказган тадқиқот натижаларига кўра бу типга мансуб жиноятчилар улуши — 10,94%ни ташкил қилди.

→ **Низога мойил жиноятчилар.** Мазкур шахсларнинг жиноий ҳаракатлари одатда оилада, маиший муҳитда кучайиб бораётган (давомли) низони охирига етказилади. Мотивация асосан ранж-алам ҳисси, рашк, ўч олиш билан боғлиқ бўлади. Шахснинг умумий тавсифи низо ривожланиши билан аста-секин ёмонлашиб боради, унинг ички кескинлиги ортади. Жиноятчиларнинг бу типни мазкур жиноятда сон жиҳатидан иккинчи ўринни эгаллади ва 26,44%ни ташкил қилди.

→ **Салбий мўлжалли жиноятчилар.** Мазкур шахсларнинг жиноий ҳаракатлари нисбатан ривожланган салбий мўлжаллар, жамоат тартибини бузиш ва бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этиш борасида муайян тажрибанинг мавжудлиги билан боғлиқ. Бундай ҳолларда мотивация асосий элемент ёки етакчи элементлардан бири сифатида жамоатчилик талабларига беписандлик, уларга нисбатан ҳурматсизликни ўз ичига олади. Улар ахлоқ ва ҳуқуқ нормалари сурункали равишда бузилган муҳитда шаклланадилар. Уларнинг оилада зўрлик ишлатишига асосланган жиноий хулқ-атвори одатдаги яшаш услубидан келиб чиқади ва турғун ғайриижтимоий қарашлар, майллар ва мўлжаллар билан белгиланади. Жиноятчиларнинг бу типига жабрланувчининг ҳар қандай сўзлари ва ҳаракатларини жанжаллашиш ва муштлашиш учун важ сифатида тушуниш, ўз шахсиятини намоён этиш учун куч ишлатиш андозаларини ҳар қандай шароитда қўллаш хосдир. Улар жиноий ҳаракатга туртки берувчи вазиятни, одатда, ўзлари яратадилар. Вазиятдан чиқишнинг зўрлик ишлатишга асосланган агрессив усулини энг маъқул усул деб ҳисоблайдилар. Одатда бундай шахслар яшаш ва иш, ўқиш жойи бўйича салбий тавсифланадилар, ичкиликбозлик қиладилар, узоқ муддат ҳеч қаерда ишламайдилар, ички ишлар органларида ҳисобда турадилар. Жиноятчилар мазкур типнинг улуши тадқиқотимиз натижаларига кўра 43,16%ни ташкил қилди.

→ **Ашаддий жиноятчилар.** Бундай шахслар томонидан қасддан содир этилган қилмишлар улуши анча катта, аксарият ҳолларда улар томонидан зўрлик ишлатиш шахслараро зиддиятлар мавжуд бўлмаган шароитда, бирдан-бир мақсад сифатида амалга оширилади. Айни ҳолда зўрлик ишлатишга асосланган жиноятларнинг содир этилиши аввалги ҳуқуқбузарлик тусидаги ҳаракатлар билан тайёрланади ва такрорланувчи хулқ-атвор андозасини ҳосил қилади. Эгоцентризм, бераҳмлиқ, дарғазаблиқ, агрессивлик, жиззакилик, тийқиқсизлик, асосан ўз манфаатларини кўзлаш, ўзини ўзи бошқариш даражасининг пастлиги, ўзини ўзи оқлашга мойиллик шахснинг етакчи хусусиятларига, унинг руҳияти “ўзаги”га айланадики, бу махсус рецидив эҳтимолини кучайтиради ва бундай шахсларни ахлоқан тузатишни оғирлаштиради. Кўрсатилган хусусиятларга эга бўлган бу турдаги жиноятчиларнинг улуши тадқиқотда 19,45%ни ташкил этади.

Рухий-асабий ҳолати бузилган, психиатрия муассасаларида рўйхатга олинган ва психиатр кузатуви остида бўлган шахсларга қўзғатилган жиноят ишлари ажратилади. Уларнинг сони кўп эмас ва ишларнинг жуда оз фоизигина судга оширилади, чунки мазкур шахслар касаллиги туфайли жиноят субъекти ҳисобланмайдилар. Бундай ишлар, қоида тариқасида, жиноят процессининг судга қадар бўлган босқичида тугатилади. Ишларнинг 2,43%дагина суд беморни мажбурий доволаш тўғрисида қарор қабул қилган.

Ҳозирги вақтда жиноятчилар шахси ва зўрлик ишлатишга асосланган-агрессив жиноятлар турларининг кўп сонли ранг-баранг таснифлари мавжуд. Улар биринчи навбатда жиноятчиликнинг сабабларини ўрганиш ва унинг олдини олиш чоратадбирларини ишлаб чиқиш учун шак-шубҳасиз қимматга эгадир. Бироқ, мазкур таснифлар асосан юқорида айтиб ўтилган ҳодисаларни назарий таҳлил қилиш учун яратилган, шу боис умумий хусусият касб этади, амалиётга лозим даражада мослаштирилмаган ва айни ҳол улардан тергов, экспертлар таҳлили, қилмишни юридик квалификация қилиш ва суд томонидан баҳолашда бевоқиф фойдаланишга монелик қилади.

Бунинг учун Н.А.Ратинова зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлардаги криминал агрессиянинг психологик мезонларга кўра яратилган типологиясидан фойдаланишни таклиф қилади. Мазкур мезонлар ақли расо шахсларнинг суд психологик-психиатрия экспертизаларининг мавжуд амалиётини таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида ажратилган. Криминал қилмиш амалга оширилган фаолият даражаси ва уни тартибга солиш типологиянинг тизим ҳосил қилувчи белгиси, асоси ҳисобланган. Зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлардаги криминал агрессиянинг психологик мезонлари қуйидаги типларни ажратиш имконини берган:

🔗 **“Мотивацион-мазмунли агрессия”**. Агрессиянинг мазкур типини зўрлик ишлатиб жиноят содир этувчи шахсларнинг юқорида келтирилган типологиясидаги “низога мойил” ва “салбий мўлжалли” жиноятчиларга хос, деб ҳисоблаш мумкин.

🔗 **“Функционал-утилитар агрессия”**. Зўрлик ишлатиб жиноят содир этувчи шахсларнинг юқорида келтирилган типологиясидаги “низога мойил” ва “салбий мўлжалли” жиноятчиларга хос, деб ҳисоблаш мумкин.

🔗 **“Бошқарилмайдиган одатдаги агрессия”**. Зўрлик ишлатиб жиноят содир этувчи шахсларнинг юқорида келтирилган типологиясидаги “вазиятга боғлиқ” жиноятчиларга хос;

🔗 **“Вазиятга боғлиқ-мудофааланишга қаратилган агрессия”**ни зўрлик ишлатиб жиноят содир этувчи шахсларнинг юқорида келтирилган типологиясидаги “вазиятга боғлиқ” жиноятчиларга хос;

🔗 **“Самарали мақсадни кўзлаб белгиланган агрессия”**ни зўрлик ишлатиб жиноят содир этувчи шахсларнинг юқорида келтирилган типологиясидаги “низога мойил” жиноятчиларга хос;

🔗 **“Субъектив-ҳалокатли агрессия”**ни зўрлик ишлатиб жиноят содир этувчи шахсларнинг юқорида келтирилган типологиясидаги “руҳий беқарор” жиноятчиларга хос;

🔗 **“Профессионал стереотиплар ноадекват амал қилиши билан белгиланган агрессия”**ни зўрлик ишлатиб жиноят содир этувчи шахсларнинг юқорида келтирилган типологиясидаги “вазиятга боғлиқ” жиноятчиларга хос, деб ҳисоблаш мумкин.

Зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар субъектларининг келтирилган типологияси қонунни қўллаш амалиётида ва зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Жиноят ишларини ўрганиш қийнаш жиноятини содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг 94% эркаклар эканлигини кўрсатди. Мазкур ҳолат Ф.Сафуанов ўтказган тадқиқотда ҳам ўз аксини топган. Муаллиф ҳозирги замон психологияси воситалари ёрдамида амалга оширган тадқиқотлар агрессивликни тўхтатувчи шахсий хусусиятлар аёлларда кўпроқ ривожланганини, агрессиянинг психотроп комплексига кирувчи дарғазаблик, манманлик, такаббурлик сингари салбий хусусиятлар аёлларда унча ривожлангани ва рағбатлантирилмаслигини кўрсатган⁹.

Қийнаш жиноятини содир этганларнинг шахсини ўрганиш уларнинг асосий хусусиятларини ажратиш имконини беради. Қийнашни содир этганларнинг аксарияти эркаклардир, улар жабрланувчиларнинг эрлари, жазманлари, оталари, ўғиллари, ака ёки укалари, яқин дўстлари бўлган. Айни ҳол физиологик хусусиятлар билан белгиланади, чунки эркаклар низони зўрлик ишлатиб ҳал қилишга аёлларга қараганда кўпроқ мойил-

дирлар. Л.Берковиц фикрига кўра, мазкур фарқ эркаклар ва аёллар марказий асаб тизимининг тузилишидаги фарқ билан белгиланади. Биологик жиҳатдан белгиланган мазкур табақаланиш ҳамда эркаклар ва аёлларга мос келувчи ҳулқ-атвор типини белгиловчи маданий таъсирлар туфайли провокация ёки таҳдидга эркаклар тўғридан-тўғри агрессия билан жавоб қайтардилар¹⁰. Т.В.Варчук буни эркаклар ва аёлларнинг психофизик хусусиятлари ва улар ижтимоий ролларининг ўзига хосликлари билан изоҳлайди. Эркаклар агрессивлик ва зўрлик ишлатишга кўпроқ даражада мойил бўладилар. Улар кўпроқ бўш вақтга эга бўладилар, мулоқотлари доирасининг кенглиги ва салбий майллари билан ажралиб турдилар, жинсий низо юзага келиши эҳтимоли мавжуд бўлган вазиятларга кўпроқ тушадилар¹¹.

Албатта, келтирилган типология мукамал ва ягона эмас, ҳар қандай жиноятга оид тадқиқот инсон фаолияти, айниқса ғайриқонуний хусусиятга эга бўлган фаолият муаммоларининг мураккаб мажмуига узил-кесил жавоб бера олмайди. Биз қийнаш жиноятини содир этган шахсларни типларга ажратиш муаммосига эътиборни қаратмоқчи бўлдик, холос. Шунга қарамай, қийнашни содир этганлар шахсини тадқиқ этиш натижалари илмий нуқтаи назардан диққатга сазовор ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан профилактика фаолиятини режалаштиришда ҳамда ушбу жиноятни содир этган шахслар билан якка тартибдаги профилактика тадбирларини ўтказишда ҳисобга олиниши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Берковиц Л. Агрессия: причины, последствия и контроль. – СПб.: Прайм – ЕВРОЗНАК, 2002. – С. 287.
2. Ўша ерда. – Б. 307.
3. Абельцев С.Н. Личность преступника и проблемы криминального насилия. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, Закон и право, 2000. – С. 42.
4. Ўша ерда. – Б. 41.
5. Румянцева Т.Г. Психология человеческой агрессивности. – Минск: Харвест, 2003. – С. 105.
6. Кудрявцев И.А., Сафуанов Ф.С., Голев А.С. Нарушение поведения лиц в состоянии алкогольного опьянения: психологические механизмы и правовые аспекты профилактики. // Психологический журнал. – 1986. - №5. – С. 75–86.
7. Криминология. Общая часть. – Иркутск: Изд-во ИГЭА, 1999. – С. 174.; Криминология. – М.: Юрист, 2005. – С. 421-422.; Абельцев С.Н. Личность преступника и проблемы криминального насилия. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, Закон и право, 2000. – С. 21-23.; Криминология: Учебник. – М.: Инфра-М., 2002. – С. 183–184.
8. Ратинова Н.А. Психология насильственных преступлений и их экспертная оценка: Методическое пособие. – М.: Научно-исследовательский институт проблем укрепления законности и правопорядка, 2001. – С. 13-23.
9. Сафуанов Ф.С. Виды криминальной агрессии. // Механизмы человеческой агрессии: Сб. научн. трудов. – М., 2000. – С. 131-149.
10. Берковиц Л. Агрессия: причины, последствия и контроль. – СПб.: Прайм – ЕВРОЗНАК, 2002. – С. 467.
11. Варчук Т.В. Криминология: Учебник. – М.: ИНФРА-М., 2002. – С. 180.; Дубинин Н.П. Генетика, поведение, ответственность: О природе антиобщественных поступков и путях их предупреждения. – М.: Политиздат, 1989. – С. 143.



Рустамхон РАҲИМОВ,
Бош прокуратура
Академияси ўқитувчиси

ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИ ВА ИЧИМЛИК СУВИДАН ФОЙДАЛАНИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР

Электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ва сув таъминотидан ноқонуний фойдаланиш, талон-торож қилиш жиноятлари таҳлили энергия ресурслари ва ичимлик сувидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари йилдан йилга ошиб бораётгани, тегишинча таъминотчи корхоналар манфаатларига етказилаётган зарар миқдори ҳам кўпайиб бораётганини кўрсатмоқда.

Хусусан, Бош прокуратура ҳузуридаги мажбурий ижро бюроси томонидан олиб борилган тадбирлар натижасида 2017 йилда фош этилган электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш жиноятлари 112 тани, етказилган зарар 10,1 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 86 тани, зарар миқдори эса 25,5 млрд. сўмни ташкил этиб, икки бараварга ошган.

Шу каби табиий газ тармоғига ўзбошимчалик билан улаиш, табиий газдан ноқонуний фойдаланиш жиноятлари 2017 йилда 27 та фош этилган бўлса, 2018 йилда 40 та ва 2019 йилда 49 та жиноятлар аниқланган.

Жиноят ишлари бўйича таъминотчи корхоналарга етказилган зарар миқдори ҳам ортиб бориб, табиий газдан ноқонуний фойдаланилиши оқибатида таъминотчи корхоналар манфаатларига етказилган зарар миқдори 2017 йилда 14,5 млрд. сўм, 2018 йилда 14,8 млрд. сўм ва 2019 йилда 16,2 млрд. сўмни ташкил этган¹.

Ушбу турдаги жиноятларнинг содир этилиши ўсиб бораётгани, талон-торож қилинаётган энергия ресурслари ва ичимлик суви миқдорининг ортиб бориши, етказиб берилган ва бевосита истеъмол қилинган энергия ресурслари ва ичимлик суви ҳажми ўртасидаги тафовутларнинг ортишига, оқибатда иқтисодий асосларига сезиларли зарар етишига олиб келаётганини кузатиш мумкин.

Шу муносабат билан энергия ресурслари ва ичимлик сувидан ноқонуний фойдаланиш жиноятларини аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш борасида кенг қамровли тадбирларни амалга ошириш зарур.

Жиноят процессуал қонунчилик нормаларига кўра, куйидагилар энергия ресурслари ва ичимлик сувидан фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни рўйхатга олиш учун асос ҳисобланади:

- 1) шахсларнинг аризалари;
- 2) корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар берган хабарлар;
- 3) оммавий ахборот воситалари берган хабарлар;
- 4) жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва изларни суриштирувчи, терговчи, прокурор, шунингдек терговга қадар тек-

ширувни амалга оширувчи органнинг бевосита ўзи аниқлаши;

5) айбини бўйнига олиш ҳақидаги арз сабаб бўлади.

ЖПКнинг 329-моддасига асосан жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар рўйхатга олинishi ва дарҳол, жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб қонунийлигини ва асослар етарли эканлигини текшириш зарурати бўлган тақдирда эса, ўн суткадан кечиктирмасдан ҳал қилиниши лозим. Ушбу муддат жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар олинган пайтдан бошлаб ҳамда то ишни қўзғатиш ёки қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор чиқарилгунигача қадар ёхуд терговга қадар текширув материалларига мувофиқ прокуратура юборилгунигача қадар бўлган вақтни ўз ичига олади.

Терговга қадар текширув давомида қўшимча ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, экспертиза ўтказиш, тафтиш тайинлаш, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳақида топшириқлар бериш мумкин.

Шунингдек, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунда тезкор ходим томонидан амалга оширилаётган тезкор қидирув тадбирлари белгиланган.

Юқоридаги қонун ҳужжатларига асосан энергия ресурслари ва ичимлик сувидан ноқонуний фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ҳақида маълумот келиб тушганда тезкор ходим томонидан сўров, маълумотларни тўплаш каби тезкор-қидирув тадбирлари амалга оширилиши лозим. Ушбу тезкор-қидирув тадбирлари давомида тезкор ходим куйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

- ҳуқуқбузарлик қачон, қаерда, ким томонидан содир этилганига аниқлик киритиш;
- ҳуқуқбузарлик содир этган жисмоний ёки юридик шахс ёхуд тадбиркор (кейинги ўринларда ҳуқуқбузарлик субъекти) ҳақидаги маълумотларни тўплаш;
- ҳуқуқбузарлик субъектининг аниқ почта манзили, доимий ёки вақтинча давлат рўйхатидан ўтган манзил ва сана, фаолият тури, охир-

ги марта ҳисоблагич текширилган сана (кўрик), энергия ресурслари ва ичимлик сув таъминоти учун таъминотчи корхоналар билан шартнома расмийлаштирилгани, энергия ресурслари ва ичимлик суви истеъмолининг шартномавий миқдори ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилиш.

Ушбу маълумотлар бегона шахслардан, жумладан таъминотчи корхоналар ходимларидан сир тутилишини таъминлаш чораларини кўриш талаб этилади³.

Электр, газни қўл билан ушлаш, кўриш ва санашнинг имкони йўқ, шунингдек бу турдаги ҳуқуқбузарликлар кўз билан кўринадиган ва кўринмайдиган усулда содир этилади.

Шу боис, ЖПКнинг 329-моддаси нормалари талқиндан келиб чиқиб, бу турдаги ҳуқуқбузарликларни фош этиш бўйича тегишли ишларни ташкил қилиш учун ёрдам берадиган тезкор текширув гуруҳини тузиш мақсадга мувофиқ.

Тезкор текширув гуруҳи таркибига содир этилган қилмиш билан боғлиқ барча ҳолатларни тўлиқ аниқлаш, унинг содир этилиш усулини фош этиш мақсадида электр, иссиқлик энергияси, газ ва сув таъминоти соҳасидаги мутахассисларни ҳам киритиш тавсия этилади.

Гуруҳ таркибига жалб қилинадиган мутахассис ноқонуний уланиш нуқталарини, усулларини аниқлай оладиган, энергия ресурслари ва ичимлик сувини ҳисобга олиш ускуналарини инструментал метод билан ўрганиб, ички хотирасини махсус дастур орқали текшириш ва таҳлил қила олиш имкониятига эга бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу сабабли, Департаментнинг ҳудудий тузилмасида ҳуқуқбузарлик ҳолатини қайд этиш, далилларни аниқлаш ва мустаҳкамлаш мақсадида тезкор текширув гуруҳи шакллантирилиб, таркибига:

- суриштирувчи;
- тезкор ходим;
- энергия ресурслари ва ичимлик суви соҳасидаги мутахассислар;
- давлат метрология хизмати мутахассислари киритилади.

Шу билан бирга, ҳуқуқбузарликни содир этиш усули ва шароитидан келиб чиққан ҳолда (масалан иссиқхоналардаги ўсимликларни ривожланиш ҳолатини ўрганиш учун агроном) бошқа соҳа мутахассисларини ҳам жалб этилиши далилларни олиш ва мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Юқоридаги ҳолатлар юзасидан кўздан кечириш ҳаракатларини олиб боришда қуйидагиларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш тавсия этилади:

- электр энергияси, табиий газ, иссиқ сув ва ичимлик сувини ҳисобга олиш асбобларига ташқи аралашувларнинг мавжудлиги;

- ишлаётган ёки ишламаётган ҳолати, пломбанинг бутлиги ҳисобга олиш асбоблари экран ойналарининг (табло) бутлиги, заводда тайёрланган ҳолатига мувофиқлиги, ҳисобга олиш асбобларининг манбага уланиш ҳолатлари, ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичлари;

- энергия ресурслари ва ичимлик суви таъминотига ноқонуний уланишда ҳисоблагич жойлашган жой ташқи таъсирдан ҳимояланганлиги ва ҳимоя воситаларининг ўзига хос хусусиятлари;

- энергия ресурслари ва ичимлик суви таъминотига ноқонуний уланиш ҳақида батафсил тафсилотлар (қандай усулда уланганлиги, энергия таъминоти ўтказгичларининг ўзига хос хусусиятлари, манбага бошқа ноқонуний уланишлар ҳолатлари мавжудлиги);

- энергия ресурслари ва ичимлик суви таъминотига ноқонуний уланишда фойдаланилган ускуналарнинг характеристикаси (сони, қўлбола ёки завод усулида ишлаб чиқарилганлиги, қуввати, энергия ресурсларини истеъмоли қилиш имконияти мавжудлиги);

- энергия ресурслари ва ичимлик суви таъминотидан ноқонуний фойдаланиш қуввати (махсус асбоб ёрдамида текширилади);

- энергия ресурслари ва ичимлик суви таъминотидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини тасдиқловчи бошқа иш учун аҳамиятга эга бўлган нарсалар, ашёлар ва ҳолатлар кўздан кечирилиши мақсадга мувофиқ⁴.

Ишлаб чиқариш корхоналари, хусусан фишт, оҳак заводи энергия ресурсларидан ноқонуний равишда фойдалангани ҳолда фаолият юритиб келганлиги аниқланган тақдирда, юқорида санаб ўтилган ҳолатлардан ташқари завод ҳудудида сотиш учун тайёрлаб қўйилган хом-ашё, маҳсулотларнинг сони, ҳажми ҳам кўздан кечириш давомида эътибордан четда қолмаслиги лозим.

Шу каби, иссиқхоналарни кўздан кечириш албатта қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича малакали мутахассис (агроном) жалб қилинган ҳолда иссиқхона ҳудудида парвариш қилинаётган ўсимликларнинг сони, уларнинг поялари узунлиги, ривожланиш ҳолатлари, вақти ҳам аниқланиши етказилган зарар миқдорини аниқлашда муҳим мезон ҳисобланади.

Энергия ресурслари ва ичимлик сувини ҳисобга олиш ускуналарини кўздан кечириш метролог ёрдамида амалга оширилиши шикаст етказиш ёки унинг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралаштириш фактлари мавжудлигини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Метролог томонидан ҳисобга олиш ускунасига ташқаридан аралашилганлик факти тасдиқланган ҳолатларда процессуал қонун талаблари асосида ҳисобга олиш ускунаси келгусида экспертизадан ўтказиш учун ҳолислар иштирокида олиниб, алоҳида ўралади ва муҳрланади⁵.

Шу билан бирга, энергия ресурслари ва ичимлик суви таъминоти корхоналарида ҳисобга олиш ускунаси-

ни ечиб олишнинг алоҳида ҳисоби юритилиши сабабли таъминотчи корхона ходими томонидан бу ҳақда далолатнома тузилиши ҳам таъминланиши керак⁶.

Текширув жараёнида қўлбола усулда тайёрланган, энергия ресурслари ва ичимлик сувидан ноқонуний фойдаланиш мақсадида фойдаланилган ускуналарнинг барчаси олиб қўйилиши шарт. Бу эса ўз навбатида ҳуқуқбузар томонидан кейинчалик ушбу ҳуқуқбузарликни такроран содир этилмаслигига замин яратади.

Текширув натижасига кўра, ҳуқуқбузар энергия ресурслари ва ичимлик суви тармоғидан узиб қўйилади, яширин цех, сув насослари ва бошқа масалаларда энергия ресурслари ва ичимлик суви тармоғига уланишда фойдаланилган симлар, трубалар, насос қурилмалари, иситиш мосламалари, мойжувоз ускуналари олиб қўйилиши ва олиб қўйилаётган ашёлар ҳажмига оид маълумотлар (узунлиги, маркаси, ҳажми) баённомада кўрсатиб ўтилиши лозим⁷.

Агарда қўлбола ускуна ёки рухсат этилмаган ускуна аниқланган тақдирда, унинг бутлигини таъминловчи ва олиб қўйилган тақдирда ишлатиб бўлмайдиган яроқсиз аҳволга келадиган қисми ҳам олиниши мақсадга мувофиқ.

Кўздан кечириш ва бошқа тезкор текширув ҳаракатлари процессуал қонун талаблари асосида видеотасвирга ва фото суратга олиниши тавсия этилади.

Ҳуқуқбузар энергия ресурслари ва ичимлик сувидан ноқонуний фойдаланган ҳолда озиқ-овқат истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқараётган ҳолатлари аниқланса, ушбу маҳсулотлар ҳам истеъмолга яроқлиги масаласини ўрганиш учун олиб қўйилиши лозим⁸.

Мазкур тартиб фуқаро томонидан ўзига тегишли ҳонадон ёки турар жойларда “яширин цех” ташкил қилган ҳолатларда ҳам татбиқ этилиши мақсадга мувофиқ.

Далиллар мақбуллигини таъминлаш, қоидабузарликнинг содир этилиш усуллари аниқлаш мақсадида Ҳуқуқбузар ҳудудда истиқомат қилаётган яқин қариндошлар ва фаолият юритаётган ишчи-ҳодимларнинг ўзаро келишиб, бир хил мазмунда тушунтириш бермаслигининг олдини олиш мақсадида, улардан алоҳида тушунтириш олиш тавсия этилади.

Энергия ресурслари ва ичимлик сувидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари юзасидан таъминотчи корхона вакиллари томонидан белгиланган шаклда далолатнома расмийлаштирилади⁹.

Истеъмолчи далолатномага имзо қўйишдан бош тортган тақдирда бу ҳақда далолатнома кўрсатилади ва зудлик билан тармоқдан ўчирилади.

Бундан ташқари, ҳуқуқбузарлик ҳолати юзасидан таъминотчи корхонада комиссия иштирокида қайта ҳисоб-китоб далолатномаси тузилиб, истеъмолчи таништирилиши лозим.

Текширув натижасига кўра тўпланган барча ҳужжатлар, воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, унга илова қилинган ҳужжатлар фото ва видео лавҳалар, қоидабузарлик далолатномаси, қайта ҳисоб-китоб далолатномаси, тушунтириш хатлари қонуний қарор қабул қилиш учун суриштирув органига топширилади¹⁰.

Энергия ресурслари ва ичимлик сувидан фойдаланишни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари мавжуд бўлса-да, энергия ресурслари ва ичимлик сувини талон-торож қилиш ҳолатлари, таъминотчи корхоналар манфаатларига етказилаётган зарар миқдорининг ошиб бораётганлиги, ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашишнинг самарали механизмлари ишлаб чиқилмаганидан далолат беради.

Юқоридаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

- энергия ресурслари ва ичимлик сувини талон-торож қилиш ҳуқуқбузарликларини аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш борасида ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда таъминотчи корхоналар ўртасида ушбу ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўйича ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар юзасидан идоровий ҳужжатлар ишлаб чиқиш;

- энергия ресурслари ва ичимлик сувини талон-торож қилишга қарши курашувчи ваколатли органлар ходимларининг касб малакасини ошириш;

- энергия ресурслари ва ичимлик сувини талон-торож қилиш ҳуқуқбузарликларини аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш борасида доимий ҳаракатдаги мобил гуруҳлар ташкил этиш;

- соҳа мутахассислари иштирокида энергия ресурслари ва ичимлик сувини талон-торож қилиш ҳуқуқбузарликларини аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш борасида ўқув машғулотларини ташкил этиш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://mib.uz>
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 321-329-моддалари.
3. В.Каримов Тезкор-қидирув фаолияти, Дарслик, Lesson press, 2021. Б-249-253.
4. Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг 12.01.2018 йилдаги 22-сонли Қарори билан тасдиқланган “Электрдан фойдаланиш қоидалари”нинг 117-124-бандлари.
5. Адлия вазирлигида 29.12.2010 йилда 2174-сон билан рўйхатдан ўтган “Суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси давомида ашёвий далиллар, моддий қимматликлар ва бошқа мол-мулкни олиб қўйиш (қабул қилиш), ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, сотиш, қайтариш, йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида”ги Йўриқноманиннинг 4-6-бандлари. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 329-моддаси.
6. Вазирлар Маҳкамасининг 20.08.2019 йилдаги 698-сон “Юридик ва жисмоний шахсларнинг электр энергияси, табиий газ, ичимлик ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускуналарини (ҳисоблагичларни) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори, 1-илова 2-банди, 2-илова 2-банди.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10.07.2018 йилдаги 484-сонли билан тасдиқланган “Истеъмолчиларни электр энергияси ва табиий газ тармоқларидан узиб қўйиш тартиби тўғрисида”ги НИЗОМ, 14-банд.
8. Адлия вазирлигида 29.12.2010 йилда 2174-сон билан рўйхатдан ўтган “Суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси давомида ашёвий далиллар, моддий қимматликлар ва бошқа мол-мулкни олиб қўйиш (қабул қилиш), ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, сотиш, қайтариш, йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида”ги Йўриқноманиннинг 4-6-бандлари.
9. Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг 12.01.2018 йилдаги 22-сонли Қарори билан тасдиқланган “Электрдан фойдаланиш қоидалари”нинг 117-124-бандлари.
10. В.Каримов Тезкор-қидирув фаолияти, Дарслик, Lesson press, 2021. Б-394.

Бир камбағал, фақир кишининг бошига овир ташвиш тушди, қарзлари кўпайиб 500 динорга етди. Уларни тўлашга қурби етмасди. Бошқа томондан қарз берганлар пулларини тинмай талаб қила бошладилар. Ночор қолган киши бой савдогарнинг ҳузурига бориб 500 динорни маълум муддатда қайтариш шарти билан қарз ҳавола қилди ва қарзларини тўлади. Куну тун бир бирини қувлаб ўта бошлади. Аҳвол эса ёмонлашгандан ёмонлашди. Келишилган муддат етиб келди. Савдогар пулини сўраб келди. Бечора фақир эса тўлашга бир дирҳами ҳам йўқлигини айтди. Савдогар қозига арз қилди. Қози камбағални то қарзини тўламагунча зиндонга ташлашга ҳукм қилди.

ТЎЛАНМАСДАН УЗИЛГАН ҚАРЗ

Камбағал киши қозига:

- Ҳазрат эртагача менга изн беринг, уйимга бориб аёлимга айтай, оиламдагиларни хотиржам қилиб келай, токи мендан ташвишланмасинлар.

Қози:

- Эртага қайтиб келишингга ким кафил бўлади?

Камбағал:

- Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кафил қиламан. Гувоҳ бўлингки агар эртага қайтиб келмасам, дунё ва охирадда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматлари эмасман.

Қози ҳам солиҳ киши эди, фақирдан бу кафилликни қабул қилиб, уни уйига бориб келишига изн берди.

Киши уйга келгач аёлига вазиятни тушунтирди. Солиҳа, оқила аёл:

- Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни қози ҳузурида кафил қилиб келибсиз, келинг энди у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга саловат айтамин. Шояд Аллоҳ айтган саловатларимиз баракасидан ғам-ғуссаларимизни аритса.

Шундай қилиб эр-хотин ўтириб Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга саловат айта бошладилар. Ҳатто уйқу ғолиб келиб, ухлаб қолдилар.

Киши тушида Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрди. У зот фақирга: "Тонг отгач волий ҳузурига бор. Унга менинг саломимни етказ. Ва айтгинки: "Расулulloҳ (с.а.в.) қарзларимни тўлаб беришингизни талаб қилдилар". Агар гапинг ростлигига исбот талаб қилса унга икки аломатни айт: биринчиси - волий ҳар кеча қанда қилмай менга минг марта саловат айтади; иккинчиси - кечаги тунда саловатни саноғида адашиб кетди, лекин менга тўлиқ етказилди айтган саловатлари."

Киши уйғониб, шаҳар волийи ҳузурига ошиқди. Олдига кириб салом берди ва:

- Расулulloҳ (с.а.в.) сизга салом айтдилар ва мени қарзимни қоплашингизни буюрдилар, - деди.

Волий:

- Қарзинг қанча?

Киши:

- 500 динор.

Волий:

- Гапингни ростлигини тасдиқловчи далилинг борми?

Киши:

- Иккита далилим бор. Бири - сиз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳар кеча минг марта саловат айтасиз.



Волий:

- Гапинг тўғри, деб йиғлаб юборди.

Киши:

- Иккинчиси - кеча кечаси саловат айта туриб саноқдан адашиб кетдингиз, Набий алайҳиссалом саловатларингиз комил тарзда етказилганини хушхабарини бердилар.

Волий:

- Рост айтдинг, деди ва ёшлари кўзларидан куйлиб кетди.

Сўнг байтул молдан 500 динор беришларини амр қилди. Яна ўз молидан 2500 динор берди ва:

- Бу сенга Набий с.а.в.дан салом келтирганинг учун икром, деди.

Киши волий ҳузуридан чиқиб, қозининг олдига шошди. Етиб келгач, қози уни кутиб ўтирганини ва қўлида ҳамён кўрди. Қози:

- Мен қарзингни қоплайман, мана сенга 500 динор. Чунки мен сени сабабингдан Расулulloҳ с.а.в.ни тушимда кўрдим. У зот менга "Агар уни қарзини ўтасанг, Қиёматда сендан гуноҳларингни кечамиз" дедилар, - деди.

Шу пайт савдогар кириб келди ва қозига:

- Жаноб қози мен бу кишидан қарзларимни кечдим, розиман. Мана бу 500 динор мендан унга ҳадя. Чунки мен унинг сабабидан Расулulloҳ с.а.в.ни туш кўрдим. У зот менга: "Агар уни қарзидан кечсанг, сени гуноҳларингдан Қиёмат куни кечамиз" дедилар, - деди.

Шундай қилиб киши қози ҳузуридан беҳад хурсанд бўлиб чиқди, аёлига хушхабарни айтишга ошиқди. 500 динор қарзини тўлаб берадиган одам ахтариб юрган эди, мана энди уйига 4000 динорни кўтариб шодмон қайтмоқда. Буларнинг барчаси Набийимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга айтилган саловат барокатидан содир бўлди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.



**Хуршид
ГАЗИБЕКОВ,**
жиноят ишлари
бўйича Шайхон-
тохур туман
суди судья
ёрдамчиси

ЖИНОЯТНИНГ МАХСУС СУБЪЕКТИ СИФАТИДА МАНСАБДОР ШАХС ТУШУНЧАСИ ВА БЕЛГИЛАРИ

Ҳокимият ва мансаб ваколатини суиистеъмом қилиш жиноятларида жиноятнинг махсус субъекти жиноят субъекти масаласида алоҳида аҳамиятга эга. Шахсни жиноятнинг махсус субъекти деб ҳисоблаш учун субъектнинг зарурий белгилари билан бирга (ёш, ақли расолик) албатта бошқа белгилар ҳам бўлиши керакки, бундай белгисиз шахснинг тегишли норма билан жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Мансабдорлик жиноятидаги махсус субъект белгиси жиноят субъектининг факультатив белгиси бўлиб, бу белгилар Жиноят кодекси Махсус қисмининг барча моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун зарур бўлмай, фақат мансабдорлик жиноятлари учунгина зарурий саналади.

Жиноятнинг махсус субъектлари орасида мансабдорлик белгиси энг кўп учрайдиган махсус субъект белгиси ҳисобланади. Мансабдорлик жиноятида айблаш учун шахс, албатта, қонунга мувофиқ мансабдор бўлиши керак. Жиноят кодексининг деярли учдан бир қисм нормаларининг диспозицияларида махсус субъектларнинг жиноий жавобгарлиги назарда тутилган. Аксарият юридик адабиётларда махсус субъект белгиларининг мансаб ваколати юзасидан жиноятнинг субъекти бўлиши (167-м., 2-қисм, “г” банди, 205-211-м.)га оид белгиси кенг тарқалганлигини қайд этиш мумкин [1].

Худди шунингдек, жиноят қонунчилигида махсус субъект белгилари алоҳида нормада ҳам кўрсатиб ўтилиши мумкин.

Бу ҳолат РФ ЖКнинг 331-моддаси диспозициясида кўзга ташланади. Унда ҳарбий хизмат ўташ билан боғлиқ жиноятларни содир этганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган шахслар рўйхати келтирилган[2].

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси XV боби Бошқарув тартибига қарши жиноятлар деб номланган бўлиб, мазкур бобнинг баъзи моддалари (205-212-моддалар)да айнан мансабдорлик жиноятларининг миллий қонунчилигимиздаги турлари кўрсатиб ўтилган.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш учун мамлакат фуқароларининг ҳуқуқий онгини ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, бу йўлда барча воситаларни ишга солиш бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Хусусан, жиноят қонунчилигида мансабдорлик тушунчасини ёритиш бугунги кунга қадар турлича талқин қилиб келинган.

Б.Аҳоров мазкур тушунчага қуйидагича таъриф бериб, мансабдорлик жиноятлари мансабдор шахс ўзига берилган ҳокимият ва мансаб ваколатларидан фойдаланган ҳолда ёки мажбуриятларини қасддан эҳтиётсизлик туфайли бузиб бажариши натижасида давлат, жамоат манфаатларига ёхуд фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаат-

ларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказишига сабаб бўладиган қилмиш[3] деб баҳолаган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси Махсус қисми 8-бўлимидаги “Атамаларнинг ҳуқуқий маъносида” мансабдор шахс тушунчасига берилган таъриф бўлишига қарамай, мансабдор шахс тушунчасини, унинг бажараётган вазифаси ва ваколатига кўра муаммоли ҳолатларни келтириб чиқараётганлиги учун ҳам уни алоҳида ўрганиб чиқишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят кодексининг лойиҳасини ишлаш жараёнида ҳуқуқий илмлар соҳасида “мансабдор шахс” тушунчасини яратиш бўйича турли хил ёндашиш пайдо бўлди. Суд амалиётида жиноятларни квалификация қилиш жараёнида мансабдор шахс, масъул мансабдор шахс тушунчаларини турлича талқин қилиш амалиёти вужудга кела бошлади.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг совет тузумига барҳам берилиб, мулк шакли ўзгара бошлаши билан жумладан, хусусий, кооператив, давлат, жамоат мулкларининг, оммавий мулкларнинг вужудга келиши билан мансабдор шахс тушунчалари замон талабларига жавоб бера олмай қолди.

1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида “мансабдор шахс” — ташкилий-бошқарув ёки маъмурий хўжалик ваколатлари берилган ва масъул мансабдор шахс аломатларига эга бўлмаган шахс эканлиги, худди шунингдек, ҳокимият вакиллари, давлат корхонаси, муассасаси ёки ташкилотларида сайлаш ёки тайинлаш бўйича доимий ёхуд вақтинча ташкилий-бошқарув ёхуд маъмурий-хўжалик вазифаларини бажариш билан боғлиқ лавозимларни эгаллаб турган ва юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахслар, мулкчиликнинг бошқа шаклларидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, давлат бошқаруви юзасидан белгиланган тартибда ҳокимият ваколати берилган жамоатчилик вакиллари, ташкилий-бошқарув ёхуд маъмурий-хўжалик

вазифаларини фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида бажариш билан боғлиқ мансабларни эгалловчи шахслар “масъул мансабдор шахс” сифатида белгиланган эди.

Ушбу қоидага кўра, масъул мансабдор шахсда муайян мансаб ваколоти мавжуд бўлиши билан бирга у давлат ташкилоти, муассасаси ва органларида ишлаши ҳамда мазкур ваколатларини ўзи ишлаб турган давлат ташкилоти ёки органлари таркибида амалга ошира олиши билан белгиланган.

Бунинг натижасида ўзига хос алоҳида ҳуқуқий муносабатлар вужудга келади:

1) давлат хизматини ташкил этиш жараёнидаги муносабатлар (ходимларни танлаш, мансабга тайинлаш, хизматни ўташ ва тугаллаш тартибларини белгилаш ва ҳ.к.лар);

2) муайян соҳа тизими бўйича давлат хизмати функциясини амалга ошириш (ташқилий-бошқарув ёки маъмурий-хўжалик ваколатлари) бўйича ижтимоий муносабат (ходимларга раҳбарлик қилиш, мулкни бошқариш, ички интизом қоидаларини назорат қилиш, иш вақтини ташкил этиш ва ҳ.к.),

3) муайян соҳа тизимидан ташқарида давлат органи функцияларини бажариш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар (давлат ҳокимияти муносабатлари). Шахснинг давлат органи тизимида қандай мансабни эгаллаганлиги ва унга қандай ваколатлар берилганлигига қараб унинг ваколатлари доираси, бажарадиган (хизмат ёки ҳокимият) функцияси белгиланади[4].

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ-391-сонли Қонуни билан “мансабдор шахс” атамаси тушунчасининг янги таҳрирда баён этилганлиги ҳамда қонунчиликдан “масъул мансабдор шахс” атамасининг чиқариб ташланганлиги эътиборга молик. Мансабдорлик жинойтларини жиноий-ҳуқуқий тавсифини ёритиш, бу турдаги жинойтларни квалификация қилишда мансабдор шахс, хизматчи, ҳокимият вакили атамаларини шарҳлаш ва тўғри қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига мансабдорлик жинойтлари билан боғлиқ айрим атамаларнинг ҳуқуқий маъносига кўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Шунга кўра, “мансабдор шахс” деганда доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташқилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, худди шунингдек, халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс тушунилади.

“Мансабдор шахс” жиноят-ҳуқуқий атамасининг янги таҳрирдаги ҳуқуқий маъносини таҳлил қилиш бизга қуйидагича хулоса қилиш имконини беради. Яъни, мансабдор шахснинг ташқилий бошқарув вазифалари жамоага раҳбарлик қилиш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, тобе шахслар меҳнати хизматини ташкил этиш, интизомни таъминлаш, рағбатлантириш, интизомий жазо чораларини қўллаш кабиларда ифодаланади.

Давлат органида, тижорат, нотижорат ташкилотида меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида меҳнат фаолиятини амалга оширувчи, мансабдор шахс аломатларига эга бўлмаган шахс хизматчи саналади. Давлат ва ҳуқуқ назариясига оид адабиётларда ҳокимият ваколотига эга бўлган, ҳуқуқий ҳужжатлар чиқариб, уларни мустақил равишда ҳаётга жорий этувчи мансабдор шахслар давлат хизматчилари саналиши лозимлиги кўрсатиб ўтилади. Ҳокимият вакили эса давлатнинг бирон-бир ҳокимият органи номидан иш кўриб, муайян вазифаларни доимий ёки вақтинча амалга оширувчи ва ўз ваколатлари доирасида кўпчилик ёхуд барча фуқаро ёки мансабдор шахслар учун мажбурий бўлган ҳаракатларни содир этиш ёки фармойишлар бериш ҳуқуқига эга бўлган шахс.

Бундай шахслар жумласига, масалан, Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари ва Ҳукумати аъзолари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари ва идоралари раҳбарлари, судьялар, прокурорлар, терговчилар, божхона, солиқ, ички ишлар органлари ва Давлат хавфсизлик хизмати ходимлари, давлат ижрочиларини киритиш мумкин[5].

Шундай қилиб, мансабдор шахс деганда ташқилий — бошқарув ёки маъмурий - хўжалик ваколатлари берилган ва масъул мансабдор шахс аломатларига эга бўлмаган шахс тушунилади.

Шахснинг ҳуқуқий ҳолатларида қуйидаги белгиларнинг мавжуд бўлиши уни мансабдор шахс деб ҳисобланишига асос бўлиши лозим:

- Ҳуқуқ субъекти;
- Шахс билан давлат ўртасидаги алоҳида ўзаро ҳуқуқий муносабатларнинг (ҳуқуқ ва мажбурият) мавжудлиги;
- Чегараланиш ва тақиқнинг мавжудлиги;
- Икки тарафлама юридик жавобгарликнинг мавжудлиги ва уларнинг бузилиши.



Мансабдор шахс тушунчасига Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида ҳам таъриф берилган.

Жумладан: “Мансабдор шахс — давлат органларида, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларида, давлат, муниципал муассасаларда, шунингдек, Куролли Кучларда, бошқа қўшинлар ва ҳарбий тузилмаларда ҳокимият вакили вазифаларини доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича амалга оширувчи ёхуд ташкилий бошқарувчилик, маъмурий — хўжалик вазифаларини бажарувчи шахс. Бундай шахс Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқида мансабдорлик жиноятларининг субъекти ҳисобланади”.

Мансабдор шахс тушунчасини нотўғри талқин қилиш натижасида давлат аппаратидаги мансабдор шахслар ҳам, бошқа ходимлар ҳам бир тоифага кириб қоладилар.

Ташкилий — бошқарув ваколатлари деганда, муайян фаолият участкасига, айрим ходимларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига раҳбарлик қилиш вазифалари тушунилади. Вазирликлар, идоралар, бошқармаларнинг раҳбарлари (директорлар, уларнинг ўринбосарлари, таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари ва ҳоказолар) ушбу мансабдор шахсларнинг фаолияти кадрларни танлаш ва уларга раҳбарлик қилиш, уларни жой-жойига қўйиш, уларнинг фаолиятини ташкил қилиш ва назорат қилишдан иборат бўлиши мумкин. Маъмурий хўжалик ваколатлари деганда мол-мулкни бошқариш ва тасарруф этиш, уни сақлаш шартлари ва тартибини белгилаш, мол-мулкнинг асралишини, сотилишини таъминлаш сингари вазифалар тушунилади[6].

Масалан, маъмурий — хўжалик қисми, таъминот, сотув раҳбари, омбор, бухгалтерия мудирлари сингарилар шундай ваколатларга эга бўлган шахслар ҳисобланади. Мансабдор шахс ташкилий — бошқарув ёки маъмурий — хўжалик вазифаларини бажариш билан боғлиқ лавозимга доимий ёки вақтинча сайланганлиги ёки тайинланганлигидан қатъи назар, у мансабдор шахс деб ҳисобланаверади.

Хорижий давлатлар тажрибасига таяниб мазкур тушунчага таъриф берадиган бўлсак, Босния ва Герцоговина Жиноят кодексига биноан мансабдор

шахс деганда давлат ва маъмурий муассасаларда ёки хизматларида қонуний ваколат берилган хизматчи, ижро этувчи ва суд лавозимига сайланган ёки тайинланган шахс тушунилади[7].

Туркия Жиноят кодексига кўра, маъмурий органлар ёки муассасаларда доимий равишда ёки вақти-вақти билан хизмат вазифасини бажарадиган шахс ҳамда тадбиркорлик корхонасидаги ваколатли шахс ёки тегишли ваколатлар доирасида муайян вазифаларни бажарадиган давлат органларининг хизматчиси тушунилади[8].

Сербия Жиноят кодекси атамалар лугатида мансабдор шахс:

1) давлат ҳокимияти органида хизмат вазифаларини бажарётган шахс;

2) давлат ҳокимияти органида, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органида сайланган, тайинланган шахс ёки бундай органларда доимий равишда ёки даврий равишда хизмат вазифасини бажарадиган шахс;

3) давлат нотариуси, ижрочи ва ҳакамлик судьяси, шунингдек ваколатли давлат органи ваколатига эга бўлган муассаса, корхона ёки бошқа субъектнинг мансабдор шахси, жисмоний ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ёки мажбуриятлари ёки жамоат манфаатларига нисбатан қарор қабул қиладиган ваколатли шахс;

4) мансабдор шахс, шунингдек, давлатнинг хизмат вазифаси ёки топширивини бажарадиган шахс;

5) ҳарбий хизмат аъзоси тушунилади[9].

Суд амалиётини таҳлил қилганимизда кўпгина ҳолларда мансабдорлик жиноятларининг субъектини ташкилий бошқарувчилик ва маъмурий хўжалик функциясини бажарувчи шахслар ёки ҳокимият вакиллари бўлган шахслар ташкил қилади. Ҳокимият вакили сифатида мансабдор шахс тушунчасини талқин қилишда жиноят ҳуқуқи назариясида айрим олимлар томонидан, жумладан, маъмурий ҳуқуқ соҳаси олимлари ишларида оммавий мансабдор шахс тушунчасини ҳам учратиш мумкин. Бу тушунча хориж давлатларининг қонунларига аввалдан киритилган.

Ҳокимият вакиллари жумласига ўз ваколатлари доирасида номуайян доирадаги шахслар ёхуд ҳар қандай таркибий бўлинмаларнинг (корхона, муассаса, ташкилотларнинг) раҳбарларига, бундай фуқаролар ёхуд корхоналар, муассаса ташкилотларнинг раҳбарлари, уларга хизмат юзасидан, бўйсунувидан қатъи назар, улар бажариши учун мажбурий қонуний талаблар қўйиш ҳуқуқи берилган мансабдор шахслар тоифаси киради.

Мансабдорлик жиноятлари тўғрисида сўз юритганда, албатта коррупцияни четлаб ўтиб бўлмайди. Зеро, коррупция мамлакатда адолат устуворлиги принципини таъминлашда асосий тўсиқ бўлиб ҳисобланади. Жамиятда коррупция илдизи узилмас экан, мамлакат ҳаёти ва давлат бошқаруви соҳасида тараққиёт ва ўсиш, ривожланиш бўлмайди.

**Кўп яхши сўзлар
айтишингиз мумкин,
лекин қилган ишингиз
кимлигингизни
кўрсатади...**

Ҳикмат

Зеро, коррупция макон ва замон танламайдиган, давлат бошқарувига салбий таъсир кўрсатадиган, жамият ҳаётини ва давлат бошқарувини кескин издан чиқарадиган иллатдир. Шунинг учун, мазкур иллатга қарши курашиш нафақат мамлакат ичида, балки халқаро миқёсда олиб борилиши керак бўлган муҳим ва устувор вазифадир.

Жамиятда жиноятчилик даражаси ошиб бориши билан бирга мансабдор шахсларнинг жиноят содир этиш миқдори ҳам ортади. Аммо, жиноят қонунчилигида санкцияларни кучайтириш билангина мансабдорлик жиноятларининг олдини олиб бўлмайди"[10].

Бу борада 2014 йил 14 майдаги "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда мансабдорлик жиноятларини содир этган шахсларни келгусида яна шундай ижтимоий хавfli қилмишни содир этишининг олдини олиш ва уларнинг ҳуқуқий онгини ривожлантириш ҳисобига жамиятда мансабдорлик жиноятларининг содир этиш даражасини камайтиришда муҳим норматив ҳужжат бўлди. Мазкур қонун орқали ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг тўртта тури белгилаб берилди.

Жумладан, ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикаси. Бундан ташқари, мансабдорлик жиноятлари содир этган шахсларга қонунда белгиланган муайян мансаб ёки лавозимни эгаллашни маълум вақтга чеклаш ҳам бу борада яхши самара бермоқда[11].

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда жиноят қонунчилигидаги жиддий муаммолардан бири юридик шахсларнинг жиноят субъекти сифатида жавобгарликка тортилмаслигидир. Зеро, аксарият мансабдорлик жиноятлари нормаларида жиноят субъекти сифатида давлат органлари, корхона ва муассаса, ташкилотларнинг мансабдор шахслари назарда тутилган. Амалдаги жиноят қонунчилигида юридик шахсни айнан жиноят субъекти сифатида эътироф этиш бўйича қонун лойиҳаси муҳокама қилиниб, бундай қонуннинг қабул қилиниши эса амалдаги жиноят қонунчилигидаги жиддий муаммони бартараф этишга ёрдам бериши шубҳасиз.

Чунки, айнан юридик шахслар томонидан кўплаб жиноятлар содир этилиши, уларни жиноят субъекти сифатида жавобгарликка тортиб бўлмаслиги амалиётда ноқонуний даромад топиб, ғараз ниятларда бойлик орттиришига сабаб бўлмоқда.

Мансабдорлик жиноятларига қарши курашишда самарали натижага эришиш, унинг миқдорини энг паст даражага тушириш, салбий оқибатларни камайтириш учун жиноятчиликнинг жамиятда бўлишини, ривожланишини тақозо қилувчи, белгилаб берувчи, таъсир қилувчи сабаблари сифатида ҳаракат қилувчи ҳодиса, воқеа ва жараёнларни, улар ўртасидаги сабабий боғланишни ўрганиш керак"[12].

Юнон файласуфи Афлотун қонун чиқарувчиларга мурожаат қилиб, уларни жиноят содир қилиши мумкин кишиларни жиноятдан жирканишга олиб келадиган қонунлар яратишга чақирган. Яъни, қонун чиқарувчилар шундай қонунлар ишлаб чиқсинлар-ки, бу қонунлар таъсирида кишилар ўзларини жиноят содир қилишдан тийсинлар. Яна бир юнон файласуфи Арасту "жиноятларнинг олдини олиш — бу авваламбор, бузуқ ва ақлга зид бўлган одатлар билан курашишдир, яъни жамиятни шундай куриш керакки, у ақлга зид бўлган, бузилган ахлоқ, урф ва одатларга қарши курашсин"[13], деган фикрларни билдирганда бу ўша даврда қанчалик ўз аҳамиятига эга бўлса, ҳозир ҳам унинг аҳамияти бундан ортиқ бўлса ортиқки, асло кам эмас.

Бундан келиб чиқадики, мансабдорлик жиноятларининг олдини олишга фақат қонунларни ишлаб чиқиш ёки жазоларни кучайтириш билангина эришиб бўлмайди, балки жамият, фуқаролар, давлат органлари ва идоралари, ташкилотлар, кенг жамоатчилик, ўзини ўзи бошқариш органлари, ОАВ ва ҳар бир шахс буни ўз вазифаси ва бурчи деб билиши, буни келажак ёш-авлоднинг онига сингдириши, керак бўлса ҳар бир оила бундай турдаги жиноятлар содир этилишининг олдини олиш учун бор кучи, ғайрати ва шижоати билан курашиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

- [1] Ҳуқуқий тадқиқотлар журналы www.tadqiqot.uz Журнал Правовых исследований ISSN: 2181-9130 Journal of Law Research 2017 №2
- [2] Уголовное право Российской Федерации. Общая часть. М. "Юристъ", 2001. С.208-209
- [3] Ахроров Б. Бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик муаммолари. Юрид. фан. д-ри дис. — Т., 2008. — Б. 240
- [4] Ҳуқуқий тадқиқотлар журналы www.tadqiqot.uz Журнал Правовых исследований ISSN: 2181-9130 Journal of Law Research 2017 №2
- [5] Ҳуқуқий тадқиқотлар журналы www.tadqiqot.uz Журнал Правовых исследований ISSN: 2181-9130 Journal of Law Research 2017 №2
- [6] М.Х. Рустамбаев, Б.Ж. Ахроров. Бошқарув тартибига қарши жиноятларни квалификация қилиш. Ўқув қўлланма. —Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. —134 бет. Сарлавҳада: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, ТДЮИ.
- [7] BiH Criminal Code, BiH Official gazette 3/03 with amendments to the Law as published in "Official Gazette of BiH" no. 32/03, 37/03 54/04, 61/04, 30/05, 53/06, 55/06, 32/07, 8/10, 47/14, 22/15, 40/15, 35/18
- [8] PENAL CODE OF TURKEY. CDL-REF(2016)011
- [9] PENAL CODE OF TURKEY. CDL-REF(2016)011
- [10] NOSIRJON KOMILOVICH HOJIEV. Liability For Aggression Against Human Health. International Journal of Pharmaceutical Research Jan-Mar 2020Vol 12 Issue pp. 2530-2535. <http://www.ijpronline.com/ViewArticleDetail.aspx?ID=19039>
- [11] Хожиев Носиржон Комилович. Жазони ижро этиш муддати утиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилишнинг шартлари ва хориж тажрибаси. YURISPRUDENSIYA. 2020 й.1-сон Б. 18-26
- [12] Хожиев Носиржон Объективные признаки преступления в виде фальсификации доказательств // Review of law sciences. 2020. № Спецвыпуск. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/obektivnye-priznaki-prestupleniya-v-vidе-falsifikatsii-dokazatelstv> (дата обращения: 10.03.2021).
- [13] З.Зарипов. И.Исмаилов. Криминология. Дарслик - Т.: 1996



**Гулрух
МАМАРАИМОВА,**
ТДҶОУ катта
ўқитувчиси

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИГА НИСБАТАН ШАХСИЙ НОМУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАРНИНГ МЕРОС МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

Интеллектуал мулк объектларининг мероси, айниқса уларга нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқлар мерос бўлиб ўтадими ёки йўқ деган савол бугунги кунда охирига етмаган ва ягона тўхтамга келинмаган мавзулардан бири ҳисобланади. Мазкур интеллектуал мулк объектларига нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқлар мерос бўлиб ўтиши тўғрисидаги турли хил ёндашувлар, мазкур ҳуқуқларнинг мероси бўйича қонун нормаларининг мазмуни ва амалда улардан меросхўрлар қайси ҳуқуқ асосида фойдаланиши тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: интеллектуал мулк объектлари, интеллектуал фаолият натижалари, товарлар, ишлар, хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар, шахсий-номулкий ҳуқуқлар, мутлақ ҳуқуқ, эксклюзив ҳуқуқ

Интеллектуал фаолият натижалари муаллифлари ана шу натижаларга нисбатан шахсий ва мулкый ҳуқуқларга эга бўлади. Товарлар, ишлар, хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситаларга нисбатан ҳуқуқ эгаларига бу воситаларга нисбатан мулкый ҳуқуқларгина тегишли бўлади. Демак, фақат интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқлар мавжуд бўлиб, биз уларнинг мерос масаласини кўриб чиқамиз.

Интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан шахсий-номулкий ҳуқуқларни таниқли олим О.Оқюлов шундай тавсифлайди. Интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан унинг муаллифининг шахсий-номулкий ҳуқуқлари деганда, унинг мулкый мазмунга эга бўлмаган, ушбу натижага нисбатан ижодкор – яратувчи сифатида мавқеини эътироф этиш, мустақамлаш ҳамда ҳимоя қилишга қаратилган мутлақ ҳуқуқлари тушунилади ва мазкур ҳуқуқлар муаллифнинг фақат ўзигагина тегишли бўлиб, бошқа бировга ўтказилиши мумкин эмас. Шахсий ҳуқуқлар мазмуни ва доираси ҳар бир интеллектуал фаолият натижаси учун алоҳида ўзига хос тарзда белгиланади.

Масалан, муаллифлик ҳуқуқи объектларига нисбатан муаллифнинг шахсий ҳуқуқлари доираси кенгдир, яъни улар муаллифлик ҳуқуқи, номга бўлган ҳуқуқ ва ҳоказолар. Айрим интеллектуал мулк объектларига нисбатан эса торроқ. Хусусан селекция ютуқларига нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқ объекти бу – интеллектуал мулк муаллифи сифатида тан олинидир¹.

О.Оқюловнинг илмий ишларида² интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан шахсий

номулкий ҳуқуқлар бошқа шахсларга ўтказилмаслиги таъкидланади. Ҳақиқатан ҳам Фуқаролик кодексининг мерос таркиби тўғрисидаги 1113-моддаси³га кўра, мулкый ҳуқуқлар билан боғлиқ бўлмаган шахсий номулкий ҳуқуқлар мерос таркибига кирмайди. Бундан кўриниб турибдики, миллий қонунчилигимиз бўйича интеллектуал мулк объектларига нисбатан шахсий-номулкий ҳуқуқлар мерос таркибига кирмайди.

Интеллектуал мулк объектларига нисбатан шахсий-номулкий ҳуқуқларнинг мерос бўлиб ўтмаслигини яна бир цивилист олим С.А.Судариков ҳам илгари суради. Унинг фикрича аксарият мамлакатлар қонунчилигида интеллектуал мулк объектларига нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқлар фақат муаллифга ёки ижрочига тегишли бўлиб, улар мерос сифатида ўтмайди, фақат мулкый ҳуқуқларгина мерос бўлиб ўтади⁴.

Шунга қарамасдан айрим цивилистлар интеллектуал мулк объектларига нисбатан шахсий-номулкий ҳуқуқларнинг мерос бўлиб ўтиши мумкинлиги назариясини илгари суришади. Хусусан, М. Кузнецов бу борадаги Россия қонунчилигини⁵ таҳлил қилган ҳолда қуйидагиларни илгари суради. Унга кўра интеллектуал мулк объектларига нисбатан эксклюзив мулкый ҳуқуқлар универсал ҳуқуқий ворислик асосида ўтади. Бу РФ ФКсининг 18, 150, 1241, 1283-моддалари шарҳидан кўриниб турибди деб таъкидлайди. Шунингдек, бу ўз навбатида асарни эълон қилиш ва уни чақириб олиш ҳуқуқларнинг ворисларга ўтиш ўтмаслиги тўғрисидаги баҳсларни келтириб чиқаришини таъкидлайди.

Дунё амалиётида интеллектуал фаолият натижасини унинг яратувчиси вафотидан сўнг эълон қилиш ҳолатларини етарли даражада учратишимиз мумкин⁶.

А.П. Сергеевга кўра ворислар муаллиф вафотидан сўнг асарни эълон қилиши мумкин. Агар асар муаллифнинг ҳаётлик вақти эълон қилинмаган бўлса ва уни эълон қилиш муаллифнинг эркига зид бўлмаса, эълон қилиш ҳуқуқи мерос бўлиб ўтиши қонунчилик билан тақиқланмаганлиги учун мерос бўлиб ўтади, деб ҳисоблайди. Бундан келиб чиқадики деб фикрини давом эттиради А.П. Сергеев: асарни эълон қилиш ҳуқуқи алоҳида ҳуқуқ сифатида эмас, балки мулк ҳуқуқлар мажмуи сифатида мерос бўлиб ўтади⁷. Яна бир цивилист Е.А. Моргунова ҳам асарни эълон қилиш ҳуқуқининг мерос бўлиб ўтиши гоёсини илгари суради⁸. Шунингдек, М. Рэдженнинг фикрича, асарни эълон қилиш ва асарнинг дахлсизлик ҳуқуқлари шахсий характерга эга бўлса-да, улар мерос бўлиб ўтади. Меросхўрлар бўлса, мазкур ҳуқуқларни амалга оширадilar, балки уларни ҳимоя қиладилар ҳам⁹. Ҳақиқатда, асарни эълон қилиш, асарни чақириб олиш ва асарнинг яхлитлигини сақлаган ҳолда унга ўзгартиришлар киритиш ёки тўлдириш ҳуқуқлари муаллифнинг шахсий ҳуқуқи бўлиб, ундан ажратилмайди. Бироқ, у вафот этгандан сўнг асарни эълон қилиш мумкин. Шу ўринда, ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси ва селекция ютуқларига нисбатан патент олиш ҳуқуқи ва бу ҳуқуқнинг ворислар томонидан амалга ошириш масаласини ҳам алоҳида эътироф этиш лозим. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1033-моддаси учинчи қисмига мувофиқ фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар, ишлар ёки хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситаларга нисбатан ҳуқуқ эгаларига бу воситалар борасида мулк ҳуқуқлар тегишли бўлади¹⁰. Бироқ, патент олиш ҳуқуқи аслида, мулк ҳуқуқми ёхуд муаллифнинг шахсий ҳуқуқими, аввало, шунга ҳам баҳо бериш лозим.

Интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан шахсий номулк ҳуқуқларнинг мерос ҳуқуқидаги ўрнига тўхталадиган бўлсак, Ж. Жэнкиннинг фикрича мерос ҳуқуқи билан интеллектуал мулк ҳуқуқи мутлақ ҳуқуқларнинг амал қилиш давридагина тўқнашади¹¹. Агар интеллектуал мулк объектларига нисбатан шахсий ҳуқуқларнинг мерос бўлиб ўтиши тўғрисидаги қарашларни инобатга оладиган бўлсак, мерос ҳуқуқи ва интеллектуал мулк ҳуқуқининг кесишуви нафақат мутлақ ҳуқуқларнинг амал қилиш муддати даврида юз беришини кузатишимиз мумкин. Юқори-

да олимларнинг асарни чақириб олиш ҳуқуқи ворислар томонидан амалга оширилиши тўғрисидаги фикрларни келтирдик. Бироқ, ворислар бу ҳуқуқни қачон истаса амалга оширадими ёки муайян вақт ораллигидагина мазкур ҳуқуққа эга бўладими бу ҳақда гапирилмаган. Ҳақиқатдан ҳам Ж. Жэнкиннинг айтганидек меросхўр асарнинг ҳуқуқий муҳофазаси мавжуд бўлган давр ораллигидагина асарни чақириб олиши мумкин.

Бугунги таҳлилларимиз интеллектуал мулк объектларига нисбатан шахсий номулк ҳуқуқларнинг мерос объектларида тутган ўрни ҳақида экан, яна бир баҳсли мавзу мавжуд. Бу – асарни муаллиф вафотидан кейин эълон қилишда, уни таҳаллус билан эълон қилиш мумкинми деган савол бўлиб, миллий қонунчиликда бунга аниқ жавоб топиш қийин. Бу борада О. Сушкованинг агар муаллиф ҳаётлик вақти асарларини таҳаллус остида ёки аноним эълон қилган бўлса, унинг ворислари томонидан муаллифнинг исми эълон қилиниши мумкинлиги фикри ҳам илгари сурилади¹².

МДҲ мамлакатлари қонунчилиги, жумладан миллий қонунчилигимизда ҳам муаллифнинг исмига бўлган ҳуқуқи шахсий номулк ҳуқуқ бўлиб, у муаллифдан ажратилмайди ва бировга берилмайди. Таҳаллус остида ижод қилган муаллифнинг ҳақиқий исмини эълон қилиш ана шу ҳуқуқдан фойдаланиш ҳисобланади. ЎзР ФК мазкур ҳуқуқни ворисларга тақдим қилмайди¹³. Қонунчилик ворисларга шахсий-номулк ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ҳуқуқинигина беради¹⁴. Шунингдек, РФ қонунчилигига кўра ҳам муаллифнинг исми ундан ажралмас ва ўзидан бегоналаштирилмайдиган ҳуқуқ ҳисобланади¹⁵. Шахсий номулк ҳуқуқларнинг муаллиф шахсидан ажралмаслик масаласи ва улардан меросхўрлар фойдаланиши мумкинлиги Грузия қонунчилигида аниқроқ белгиланган. Хусусан, Грузия "Муал-



лифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунининг 17-моддаси тўртинчи қисми¹⁶да муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари унинг ҳаёти давомида бошқага ўтказилмаслиги, муаллифнинг ўлимидан сўнг улардан фойдаланиш қонунчиликка кўра амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Франция қонунчилигига кўра, интеллектуал мулк объектларига нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқлар “moral rights” деб номланади. Франция Интеллектуал мулк кодексининг L121-1-моддасига асосан, интеллектуал мулк объектларига нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқлар абадий, дахлсиз ва муаллифдан ажралмасдир. Лекин, улар меросхўрларга ўтиши мумкин. Қолаверса, улардан фойдаланиш васият қилиб қолдирилиши мумкин¹⁷.

Франция Интеллектуал мулк кодексининг L121-1-моддасида муаллиф ҳаёти давомида эълон қилмаган асарини эълон қилиш ҳуқуқининг мерос бўлиб ўтиши белгиланган. Унга кўра, муаллиф ҳаёти давомида эълон қилмаган асарини эълон қилиш ҳуқуқи муаллиф томонидан белгиланган ижрочи ёки ижрочилар томонидан амалга оширилади. Агар муаллиф бошқа ҳолатни назарда тутмаган бўлса, агар ижрочи белгиланмаган ёхуд ижрочи вафот этган бўлса, асарни эълон қилиш муаллифнинг авлодлари ёхуд тирик қолган муаллиф билан унинг ўлимига қадар никоҳи тугатилмаган ҳамда муаллиф ўлимидан сўнг бошқа шахс билан оила қурмаган эри ёки хотини томонидан амалга оширилади.

Россия Фуқаролик кодексининг 1268-моддаси учинчи қисмида асар муаллиф вафотидан сўнг, унинг ҳаётлигида эълон қилинмаган ва муаллиф хоҳиш иродасига зид бўлмаса, муаллиф асарига нисбатан эксклюзив ҳуқуқлар кимда бўлса шулар томонидан эълон қилиниши белгиланган. Бироқ, эълон қилинмаган асарга нисбатан эксклюзив ҳуқуқларнинг мерос бўлиб ўтишининг ўзи бир мунозара.

Асарни унинг муаллифи вафотидан кейин эълон қилиш ҳуқуқининг ворисларга ўтиши

бўйича мунозаралар қанча кўп бўлса, муаллиф вафотидан кейин ворисларга асарни чақириб олиш ҳуқуқларининг мерос бўлиб ўтиши бўйича мунозаралар ҳам шунчалик кўп. В. Косинковнинг фикрича асарни эълон қилиш ва уни чақириб олиш бир ҳуқуқнинг таркибий қисми ҳисобланади¹⁸.

Муаллиф ҳаётлик чоғида эълон қилинмаган асарни эълон қилиш ҳуқуқи ва асарни чақириб олиш ҳуқуқининг ворисларга ўтиши бўйича мунозаралардан келиб чиқиб олимларнинг қарашларини тўрт гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчи тўхтам, муаллиф ҳаётлик чоғида эълон қилинмаган асарни эълон қилиш ҳуқуқи ва асарни чақириб олиш ҳуқуқи ворисларга мерос бўлиб ўтади.

Иккинчи тўхтам, муаллиф ҳаётлик чоғида эълон қилинмаган асарни эълон қилиш ҳуқуқи мерос бўлиб ўтади, асарни чақириб олиш ҳуқуқи эса муаллиф вафоти билан тугайди.

Учинчи тўхтам, муаллиф ҳаётлик чоғида эълон қилинмаган асарини эълон қилиш ҳуқуқи ва айнан ворислар томонидан эълон қилинган асарларнигина чақириб олиш ҳуқуқлари ворисларга ўтади.

Тўртинчи тўхтам, муаллиф ҳаётлик чоғида эълон қилинмаган асарини эълон қилиш ҳуқуқи ва муаллиф томонидан асарни чақириб олиш ҳуқуқи берилган мерос ижрочисига, ёхуд васиятномада мазкур ҳуқуқ берилган ворисгагина ўтади.

Бизнинг фикримизча, муаллифнинг ҳаёти давомида чоп этилмаган асарларини эълон қилиш ҳуқуқи унинг ворисларига ўтиши мумкин, асарни чақириб олиш ҳуқуқи эса ворислар томонидан эълон қилинган асарларга нисбатан ҳамда бундай ҳуқуқлар мерос қолдирувчининг хоҳиш иродасини акс эттирувчи қонуний воситалардан англашилгандагина ўтиши мумкин. Бунга сабаб, асарни эълон қилиш ва асарни чақириб олиш ҳуқуқларининг бир-бирига боғлиқлигидадир. Шу сабабдан, ворислар ўзлари эълон қилган асарларнигина чақириб олишлари мумкин. Муаллиф томонидан эълон қилинган асарларни чақириб олиш ҳуқуқи мерос бўлиб ўтмайди, сабаби у асарларни ворислар эълон қилмаган. Лекин, мазкур муаллифнинг ҳаёти давомида эълон қилинган асарларни чақириб олиш ҳуқуқлари муаллифнинг хоҳиш иродасини акс эттирган қонуний воситалар (васиятнома, шартнома ва бошқалар) ҳолларда ворисларга ўтиши назарда тутилган бўлса ўтиши мумкин. Шу ўринда, агар чақириб олиш ҳуқуқи тўғридан-тўғри муаллиф томонидан чекланган ҳолатлар (муаллифнинг хоҳиш иродаси акс этган қонуний воситалар (васиятнома, шартнома ва бошқалар)да чақириб олиш ҳуқуқи ворисларга ўтмайди.



Интеллектуал мулк ҳуқуқларига нисбатан шахсий мулк ҳуқуқларнинг мероси бўйича яна бир мунозара – бу муаллиф вафотидан сўнг унинг асарига ворислари ўзгартириш киритиши мумкинлиги, мумкин бўлса бу шахсий номулкий ҳуқуқларнинг мерос бўлиб ўтиши ҳисобланадими ёки йўқ, ёки асарга ўзгартириш киритиш бу мутлақ ҳуқуқларнинг таркибий қисми ҳисобланиб, мутлақ ҳуқуқ кимга ўтса шунга ўтадими деган масаладир.

Мутлақ ҳуқуқ эгаси муаллиф вафотидан сўнг бошқа шахсга асарга ўзгартириш киритишга рухсат бериши мумкинлиги бўйича И.А. Близнец ва К.Б. Леонтьевларнинг фикрлари билан танишсак. Уларга кўра, ҳуқуқ эгасидан розилик олган шахс асарга ўзгартириш киритса, унга нисбатан асарни дахлсизлик ҳуқуқи топширилган васият ижрочиси судга даъво киритиши мумкин. Бундай вазиятда суд даъво қаноатлантиришни рад қилади. Сабаби, асарга ўзгартириш киритган шахс асар муаллифининг хоҳиш иродасини амалга оширган бўлиб ҳисобланади. Яъни, у аслида муаллифдан розилик олган. Бироқ, муаллиф бу вазиятда асарга киритилган ўзгаришларнинг моҳияти ва уларни муаллифнинг нияти ва асарни идрок қилиш яхлитлигига путур етказмаганлиги нуқтаи назаридан баҳолаш муҳимлигини ҳам таъкидлаган. Агар асарга ўзгартириш киритган шахс, уни идрок қилишнинг яхлитлигини бузган бўлса, васият ижрочиси олдида жавоб беришини ҳам эътироф этади¹⁹.

Яна бир интеллектуал мулк объектларига нисбатан шахсий-номулкий ҳуқуқларнинг мероси бўйича баҳс – бу интеллектуал мулк тўғрисидаги миллий қонунчиликка кўра индивидуаллаштириш воситалари эгаларига нисбатан шахсий-номулкий ҳуқуқлар бўлмаслигидир. Бироқ, патент олиш ҳуқуқларининг мерос бўлиб ўтиши қонунчилигимизда белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги қонунининг 5-моддаси ўн биринчиси қисмига асосан, ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намунаси патентини олиш ҳуқуқи мерос бўлиб ўтади²⁰. Шунингдек, “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасига асосан, селекция ютуқларига патент муаллифнинг вориси томонидан олиниши мумкин²¹лиги белгилаб қўйилган. Бундан шу хулосага келинади, демак, патент олиш ҳуқуқи мерос бўлиб ўтади. Патент олиш ҳуқуқи бу мулк ҳуқуқ ёки муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқими деган масала ҳам мавжуд. Зеро, индивидуаллаштириш воситаси эгасига нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқлар мавжуд эмаслиги қонунда белгилаб қўйилган²². Патент олиш ҳуқуқини таҳлил қиладиган бўлсак, у

ҳақиқатан муаллифнинг (хизмат ёхуд буюртма билан боғлиқ ишлардан ташқари) шахсий ҳуқуқи ва ундан ажралмас ҳисобланади. Сабаби муаллифнинг патент олиш ҳуқуқи бошқага берилмайди ва ўтказилмайди. Яъни, мазкур ҳуқуқни муаллиф шахси билан боғлиқлигини кўришимиз мумкин.

Юқоридаги таҳлиллардан интеллектуал мулк объектларига нисбатан шахсий-номулкий ҳуқуқлар меросхўрларга ўтиши ҳақида хулоса қилишимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. О. Оқюлов. Интеллектуал мулк ҳуқуқи рисола. – Тошкент, И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2005 йил. – Б. 17-18.
2. О. Оқюлов. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳлар. 3-жилд. – Тошкент, ВАКТРИАПРЕСС, 2013. – Б. 374; Интеллектуал мулк ҳуқуқи рисола. – Тошкент, И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2005 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 1113-моддаси. – Тошкент, Адолат, 2021 йил. – Б. 457.
4. С.А.Судариков. Интеллектуальная собственность. – Москва, Издательство деловой и учебной литературы, 2007. – С. 619-621 (Sudarikov S.A. Intellectual property. – Moscow, Publishing house of business and educational literature, 2007. – P. 619-621).
5. Интеллектуал мулк объектларининг мерос масалари бўйича Россия қонунчилиги билан Ўзбекистон қонунчилиги жуда ўхшаш (2020 йил январь ҳолатида).
6. List of works published posthumously (Муаллиф вафотидан сўнг эълон қилинган асарлар). Электрон манба: https://en.wikipedia.org/wiki/List_of_works_published_posthumously
7. А.П.Сергеев. Право интеллектуальной собственности в Российской Федерации. Учебник. – Москва, 2004. –С. 181.
8. Е.А. Моргунова. Авторские правомочия: теория и практика.
9. В. Косникова. Наследование интеллектуальных прав. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Саратов – 2017. –С. 224(50).
10. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 1133-моддаси иккинчи қисми. – Тошкент, Адолат, 2021 йил. – Б. 456.
11. В. Косникова. Наследование интеллектуальных прав. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Саратов – 2017. –С. 224(50).
12. О. Сушкова. Исключительное право на результаты интеллектуальной деятельности в составе наследства супругов. Семейный Бизнес В Правовом Пространстве России. Монография. – Ответственные редакторы И.В. Ершова, А.Н. Левушкин. Москва, 2020. –С. 426-442.
13. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 1051-моддаси
14. Ўзбекистон Республикаси “Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонунининг 36-моддасига кўра муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари мерос бўйича ўтмайди. Муаллифнинг меросхўрлари кўрсатилган ҳуқуқларни ҳимоя қилишга ҳақлидир. Меросхўрларнинг ушбу ҳуқуқлари муддат билан чекланмайди.
15. Статья 1265 Гражданский кодекс РФ // Электрон манба: http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_64629/
16. Закон Грузии «Об авторских и смежных правах» // Электрон манба: https://internet-law.ru/law/int/nation_sng/doc004.pdf
17. Intellectual property code of Franch // Электрон манба: <https://www.wipo.int/edocs/lexdocs/laws/en/fr/fr467en.pdf>
18. Косинков В.В. Наследование интеллектуальных прав: дис.. канд. юрид. наук.: 12.00.03/ Косинков Владимир Валериевич; [Место защита: Сарат. Гос. Юрид. акад.] – 224 с.
19. И.А. Близнец ва К.Б. Леонтьев. Авторское право и смежные права. Учебник. – Москва, Издательство «Проспект», 2014. –С. 416.
20. Ўзбекистон Республикасининг “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддаси // <https://lex.uz/docs/76671>
21. Ўзбекистон Республикасининг “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддаси // <https://lex.uz/acts/69237>
22. Фуқаролик кодекси 1033-модда учинчи қисм. // <https://lex.uz/docs/180552#197231>



**Миродил
БАРАТОВ,**
юридик фанлар
доктори,
профессор

ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ ЭҲТИЁЖЛАРИ АСЛИДА КИМ УЧУН, НИМА УЧУН? Ёхуд оммавийликдан – хусусийлик сари

Гап давлат ва жамият эҳтиёжлари хусусида кетар экан, национализация, реквизиция ва мусодара ҳақида айрим мулоҳазаларни юритсак. Национализацияга кўра, фуқароларга ҳамда юридик шахсларга қарашли национализация қилинаётган мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ҳақ тўлаш асосида қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ихтиёрига ўтказилади. Бинобарин, национализация мулк ҳуқуқи вужудга келишининг асосларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда 1963 йил 23 мартда тасдиқланган ва 1964 йил 1 январдан – 1997 йил 1 мартга қадар амалда бўлган Гражданлик кодексига бу ҳол назарда тўтилмаган эди¹.

Национализация юридик манбаларда келтирилишича, латинча: *natio*; ингл., французча: *nationalisation* сўзидан олинган бўлиб, миллийлаштириш, хусусий мулкни, ерни давлат мулкига айлантириш. Шунингдек, корхона, ташкилот, банк ва транспортни давлат мулкига ўтказишдир². Национализация таомилида икки жиҳат бўлиб, бирида – мулкдорнинг мулк ҳуқуқи бекор бўлади (яъни, фуқаролар ва юридик шахсларнинг), иккинчисида (давлатда) эса – мулк ҳуқуқи вужудга келади. В.Ё.Эргашев ҳақли равишда ҳозиргача республикамизда национализацияни амалга ошириш шартлари ва тартибини муфассал тарзда белгилаб берувчи қонун қабул қилингани йўқлигини айтади, заруриятини асослайди, ушбу қонунда қандай турдаги мол-мулклар “жамият манфаатлари” мезонига мос келиши ҳақида фикр юритади. Ваҳоланки, национализацияга бағишланган ФКнинг 202-моддасида “жамият манфаатлари” эмас, “давлат ихтиёри” назарда тутилган. Фикримизча, давлат томонидан ушбу тадбирларнинг амалга оширилиши юмшоқроқ тил билан айтганда, “жамият манфаатлари”га эмас (бу иборанинг замирида кўпроқ давлатнинг оммавий ҳокимиятдан тобора қочиб, халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши маъноси ётибди), “давлат ихтиёри”га (бинобарин, ҳуқуқ лаёқатини реализация қилишига) хизмат қилмоқда. Шуни ҳам айтиш керакки, мазкур мол-мулк кейинчалик денационализация қилинганда, агар қонунларда ўзгача тартиб белгилаб қўйилмаган бўлса, собиқ мулкдорлар ушбу мол-мулкнинг қайтариб берилишини талаб қилишга ҳақлидирлар. “Қонуний асослари белгиланмаган, бироқ мантқан агарда муайян мол-мулк объекти давлат тасарруфига ўтишини мамлакат мудофааси, хавфсизлиги ва бошқа ижтимоий манфаатлар тақозо этиши мумкин. Бироқ, бозор муносабатлари тизимида национализацияни қўллаш эҳтимоли жуда кам³”. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”-ги қонунига кўра, “давлат инвестицияларнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва халқаро шартномаларига мувофиқ ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Инвесторларнинг инвестициялари ва бошқа

активлари национализация қилинмайди”⁵. Лўнда қилиб айтиш мумкин бўлса, национализация – “давлат мулкига айлантирилмайди”.

Реквизиция туфайли табиий офатлар, авариялар, эпидемиялар, эпизоотиялар юз берган тақдирда, фавқулодда тусдаги бошқа вазиятларда мол-мулк жамият манфаатларини кўзлаб, давлат ҳокимияти органи қарорига мувофиқ мулкдордан унга мол-мулкнинг қийматини тўлаган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартлар асосида олиб қўйилиши мумкин (ФК, 203-м., 1-қ.). Бу ҳолатлар фанда ва ҳуқуқда “форс-мажор” ҳолатлари деб ҳам юритилиб, ФКнинг 203-моддасида назарда тутилган “фавқулодда тусдаги бошқа вазиятлар”ни ҳисобга олмаганда, “форс-мажор” ҳолатлари вужудга келишини олдиндан кўриб бўлмайди”⁶. Шу маънода ҳам ушбу вазиятларда мол-мулк, биринчидан, жамият манфаатлари (Зеро, 1963 йилги Кодексда “давлат ва жамоат манфаатлари” кўзлангани)ни кўзлаб, иккинчидан, давлат ҳокимияти органи қарорига мувофиқ, учинчидан, мол-мулкнинг қийматини тўлаган ҳолда олиб қўйилади. Бу ерда энг муҳими, жамият манфаатларининг устуворлигидир. Ўтган асримизнинг якуний йиллари – янги минг йилликнинг бошларида Буюк Британия қишлоқ хўжалигига оралаган “оқсим” касаллиги туфайли Британ ҳукумати давлат бюджетидан миллиардлаб фунтни сарфлаб, ушбу тадбир (реквизиция, яъни фермерлардан қийматини тўлаган ҳолда олинган мол-мулк утил қилинди)ни ўтказди ва бунинг эвазига бутун жамиятга синдроми тарқалиши мумкин бўлган ҳолатларнинг олди олинди. Агар тадбир амалга оширилмаганда, бу ҳол давлат ва жамият учун бундан ўн карра кўп зарар етказиши мумкин эди. Худди шундай ҳолат Россиянинг Орёл вилоятида, парранда гриппи (Н5) касаллиги оммавий тарқалишининг олдини олишда ҳам кузатилди. Бу ерда ҳам “инъекция ўз вақтида юборилди”. Оқибатда келиб чиқиши мумкин бўлган катта ижтимоий зарарнинг олди олинди. Бу ҳолни Covid-19 фонидан бутун дунё кузатди, гувоҳи бўлди, иштирокчиси ва қурбони ҳам бўлди.

Реквизицияда яна бир муҳим масала “мол-мулкнинг қийматидир”. Жумладан, реквизициянинг бир шакли бўлган – ер участкаларини давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши масаласи Уй-жой кодексининг 27-моддасида назарда тутилган бўлиб, унга кўра, ер участкалари давлат ёки жамият эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан фуқаролар мулкида бўлган уйлар (квартиралар) бузилган тақдирда, мулкдорларга уларнинг танлови бўйича ва тарафлар келишувига кўра, уй-жой майдонининг ижтимоий нормасидан кам бўлмаган сахндаги, барча қулайликлари бўлган, аввалгисига тенг қимматли бошқа турар жой мулк қилиб берилади ҳамда дов-дарахтларнинг бозор қиймати тўланади ёхуд бузилаётган уй (квартира), бошқа иморатлар, иншоотлар ва дов-дарахтларнинг бозор қиймати, шунингдек ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати тўлиқ ҳажмда тўланади. Бузилаётган уйнинг (квартиранинг) ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати берилаётган уй-жойнинг ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қийматидан ортиқ бўлган тақдирда, бу фарқ мулкдорга компенсация қилиниши лозим, берилаётган уй-жойнинг ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати бузилаётган уйнинг (квартиранинг) ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қийматидан ортиқ бўлган тақдирда эса, бу фарқ уй-жой берилган ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқ берилган пайтдан эътиборан беш йил ичида мулкдор томонидан компенсация қилиниши лозим⁷. Айни вақтда ушбу норманинг иккинчи қисмида “бузилаётган уйлар ўрнига турар жойни мулк қилиб бериш ва уйлар, бошқа иморатлар, иншоотлар ҳамда дов-дарахтлар қийматини тўлаш Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади”. Ушбу тартиб Вазирлар Маҳкамасининг аввал 2006 йил 26 майдаги 97-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида”ги низом⁸ билан амалга оширилган. Сўнгра (ва амалда) 2019 йил 16 ноябрдаги 911-сон қарори билан тасдиқланган “Ер участкалари олиб қўйилиши ва олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш тартиби тўғрисида”ги низом билан амалга оширилмоқда⁹. Унга кўра, ер участкаси ёки унинг бир қисми (кейинги ўринларда ер участкаси деб аталади) давлат ва жамоат эҳтиёжлари, шунингдек, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун олиб қўйилиши Қорақалпоғистон Республикаси Жўрорғи Кенгеси ёки тегишли халқ депутатлари Кенгаши қарорига биноан амалга оширилади. Ушбу ҳужжат билан ҳуқуқни қўллаш амалиётига яна бир атама, яна бир йўналиш – *Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш* учун ер участкаси олиб қўйилиши кириб келди. Бироқ, бу ҳақидаги қарорни қабул қилишга фақат Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорларига асосан йўл қўйилади. Давлат ва жамоат эҳтиёжлари, шунингдек, инвестиция лойиҳаларини

амалга ошириш учун олиб қўйиладиган ер участкалари фақат ушбу мақсадларда (!) фойдаланилади.

Аммо, бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, ҳуқуқ аналогиясига кўра, бундай туркумдаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда катта манфаатлар ҳамиша кичик манфаатлардан устун туради. Масалан, ўз даврида Тошкент шаҳар ҳокимининг “Ҳазрати Имом” мемориал мажмуаси атрофида ободонлаштириш ишларини олиб бориш ва қурилиш ишларига рухсат бериш ҳақида”ги 30-сон қарорига (2007 йил 16 январь) кўра, Собир Раҳимов тумани “Зарқайнар” ва “Қорасарой” кўчалари оралигида, Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясига “Ҳазрати Имом” мемориал мажмуаси атрофини ободонлаштириш ишларини олиб бориш ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идораси биноси, спорт мажмуаси, болалар майдончаларини қуриш учун, якка тартибдаги турар жой биноларини ва фуқаро А.С.Азизовга қарашли савдо, маиший хизмат кўрсатиш мажмуасини *бузилиши ҳисобига* (курсив бизники – М.Б.), майдони 0,86 гектарли ер доимий фойдаланишга ажратиб берилиши ҳамда ажратилган ер майдонида фуқаролар мулкида бўлган уй-жойларнинг бузилиши оқибатида етказилган зарар миқдори Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган қонун ва қоидалар асосида қопланиши назарда тутилди. Ёки ўз даврида шаҳар ҳокимининг 2007 йил 15 октябрдаги “Паркент кўчасини таъмирлаш ва кенгайтириш ҳақида”ги 890-сон қарорида Тошкент шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, ... шаҳар аҳолисига транспорт хизматини яхшилаш ва пиёдаларга қулайлик яратиш мақсадида Паркент кўчасининг Мирзо Улугбек кўчасидан Циолковский кўчасигача бўлган қисмини, мавжуд трамвай йўлини олиб ташлаш ҳамда Мирзо Улугбек ва Паркент кўчалари қизил чизигида жойлашган юридик ва жисмоний шахслар мулкида бўлган уй-жойлар, бино ва иншоотларнинг *бузилиши ҳисобига* (курсив бизники – М.Б.) таъмирлаш ва кенгайтириш ишларини олиб боришга рухсат берилиши ҳоллари фикримизнинг далилидир.



Қуйидагилар компенсация қилиб берилади:

- а) олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларининг бозор қиймати;
- б) олиб қўйилган ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати;
- в) кўчириш, шу жумладан, бошқа кўчмас мулк объектини вақтинчалик олиш билан боғлиқ харажатлар;
- г) жисмоний ва юридик шахсларнинг бой берилган фойдаси;
- д) қонун ҳужжатларида ёки Келишувда¹⁰ назарда тутилган бошқа харажатлар ва зарарлар.

Ўзбошимчалик билан қурилган уй-жой, ишлаб чиқариш ва бошқа бинолар ва иншоотларнинг қиймати ҳам қопланиши лозим.

Бериладиган компенсация турлари:

- а) пул маблағлари;
- б) бошқа кўчмас мулк объектини мулк қилиб бериш;
- в) ер участкаси;
- г) келишувда назарда тутилган компенсациянинг бошқа турлари.

Томонларнинг келишувига биноан мулкдорга кўчмас мулкни баҳолаш қийматини ҳисобга олган ҳолда компенсациянинг бир неча турлари берилиши мумкин.

Мусодара туфайли қонунда назарда тутилган ҳолларда мол-мулк мулкдордан суд қарорига мувофиқ жинойят ёки бошқа ҳуқуқбузарлик қилганлиги учун ҳақ тўламасдан олиб қўйилади. Бундаги сабабий боғланиш шу билан изоҳланадики, мулкдор, аввало мол-мулкни инсофли қўлга киритмаган ҳисобланади. Унинг ҳаракатида ва образида нормал эрк-ирода, ҳалоллик ва адолат, маънавий эзгу тамойиллар эмас, балки қасд, яъни ўзгалар мол-мулкни яшириб, босқинчилик, товламачилик, фирибгарлик, безорилик, талончилик ва ниҳоят, мулкдорнинг ҳаётига қасд қилиб, корхона, муассаса, ташкилотларнинг ёки давлатнинг нормал фаолият, хўжалик юритишига жиддий тўсқинлик қилиб, нима қилиб бўлса ҳам ўзгалар мол-мулкни “ўзиники” қилиш туйғуси ётади. Бу ҳолатлар, афсуски, Жинойят қонунчилиги билан таъқиб қилинади. Бинобарин, бундай усул билан қўлга киритилган мол-мулк мусодара қилинади. Бундай ҳолда мол-мулкни ҳимоя қилиш, ушбу шахснинг “мулкдорлик ваколоти”ни ҳимоя қилиш ҳақида гап-сўз бўлиши мумкин эмас. Шунини айтиш керакки, мусодара жинойти судлов, маъмурий судлов ва алоҳида ҳолларда фуқаролик судлов тартибиде амалга оширилади.

Баён қилинганлардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

1. Давлат мавжуд бўлиши ва ўз функция ҳамда вазифаларини амалга оширишининг зарурий шартларидан бири – бу давлатнинг муайян миқдорда мол-мулкнинг бўлиши ҳисобланади. Дарҳақиқат, бу ҳол ҳар қандай жамият учун хосдир. Давлатнинг мулкдор сифатидаги ваколатларини амалга оширишда унинг эрки-иродаси

қатъий белгиланган доирада (давлат функцияси, вазифаларидан келиб чиқиб) юридик ҳаракатлар содир этишида ифодаланади. Фуқаролик ҳуқуқининг бошқа субъектлари каби давлат ҳам муайян мол-мулк эгаси ҳисоблангани учун фуқаролик ҳуқуқининг тўлақонли субъекти сифатида эътироф этилади.

2. Хусусийлаштириш соҳасида кенг қўламдаги ислохотларнинг амалга оширилиши давлатнинг мулкдорлик мақомини муайян соҳаларга йўналтиришини асосий мақсад қилиб қўяди. Бунда давлат илгаригидек мамлакатдаги ягона мулкдор эмас, балки давлат ва жамият эҳтиёжларини ифода этувчи, мамлакатни бошқариш ва халқ фаровонлигини таъминлаш мақсадида мол-мулкка эгалик қилувчи, ундан фойдаланувчи ва тасарруф этувчи субъект сифатида намоён бўлади.

3. Фуқаролик кодексининг “Мулкдорнинг мол-мулкни бевосита олиб қўйишга қаратмаган ҳолда мулк ҳуқуқининг бекор қилиниши” (206-м.)га бағишланган нормадаги “ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори муносабати билан мулк ҳуқуқининг бекор қилинишига қонунларда белгиланган ҳоллар ва тартибдагина йўл қўйилади” деган қондан илҳом олинган баён этиш таклиф этилади:

“Жисмоний ва юридик шахсларга ашёвий ҳуқуқлар асосида берилган давлат мулкдаги ер участкалари қуйидаги ҳолларда давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши мумкин:

мудофаа ва давлат хавфсизлиги, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эҳтиёжлари учун;

фойдали қазилмалар конларини аниқлаш ва қазиб чиқариш мақсадлари учун;

автомобиль ва темир йўллари, аэропортлар, аэронавигация объектлари ва авиатехника марказлари, кўприклар, метрополитенлар, тоннеллар, энергетика тизими объектлари ва электр узатиш тармоқлари, алоқа ва коммуникация тармоқлари, магистрал қувурлар тармоқларини қуриш (реконструкция қилиш) мақсадлари учун”.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Гражданлик кодекси. – Тошкент: Адолат, 1993.
2. Юридик энциклопедия. – Тошкент: Шарқ, 2001. -32 б.
3. Эргашев В.Ё. Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқи вужудга келиши ва бекор бўлишининг илмий назарий жиҳатлари: Юрид. фан. номз. дис. ... Автореф. – Тошкент: 2005. 18-б.
4. Юридик атамаларнинг изоҳли луғати. – Тошкент: Шарқ, 2003. -252 б.
5. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.12.2019 йил, 03/19/598/4221-сон.
6. Эгамбердиева Н. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг асослари ва шакллари. – Тошкент: ТДЮИ, 2017. 102-б.
7. Уй-жой кодексининг Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 11 октябрдаги УРҚ-497-сон Қонуни таҳририда // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.10.2018 йил, 03/18/497/2044-сон.
8. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 22-сон, 193-модда.
9. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.11.2019 йил, 09/19/911/4028-сон.
10. Келишув – томонларнинг розилиги билан компенсация миқдори, тури ва бериш муддати, шунингдек, бошқа шартларни назарда тутувчи ташаббускор ва мулкдор ўртасида тузилган, нотариал тартибда тасдиқланган ёзма шаклдаги шартнома.

ФЕРМЕР ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ АГРАР СОҲА РИВОЖИНИНГ КАФОЛАТИ

Жамиятимиздаги ҳар бир фуқаро, айниқса, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланётган фермерларнинг қонун ҳужжатларини тўлақонли тушуниши, таҳлил қилиши ва амалиётда қўллай олиши унинг ушбу соҳадаги тўсиқларни бартараф этишидаги имкониятини кенгайтиради. Бироқ, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотларга қарамасдан, мазкур соҳада ўз ечимини кутаётган бир қатор муаммолар ҳам мавжуд. Ушбу муаммолар фермернинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлиб, уларни қуйидагича келтириб ўтиш мумкин:

биринчидан, фермер малакали, тажрибали ҳуқуқшунослар билан ҳуқуқий хизмат кўрсатиш бўйича шартнома тузмайди ёки буни истамайди. Чунки, шартномада назарда тутилган маблағларни уларга тўлаш имконияти чекланган;

иккинчидан, фермер ҳокимият вакиллари билан тузаётган шартномаларни бандларига эътибор бермасдан имзолайди, сабаби амалиётда мажбурий равишда шартномани имзолash ҳолатлари ҳануз учраб туради;

учинчидан, фермер замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиб, қонун ҳужжатлари маълумотномалари миллий базасидан соҳага доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш тажрибасига эга эмас;

тўртинчидан, фермер ўз хўжалигини юриштишда малакали, тажрибали ҳисобчи билан шартнома тузмайди;

бешинчидан, фермерни ҳуқуқий соҳада билими паст ёки умуман йўқ.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ривожига тўсиқ бўлаётган бу каби муаммолар ечимини топиш ва бартараф этиш ҳозирги кунда долзарб масалалардан ҳисобланади.

Мазкур муаммоларнинг ечимини топишда, аввало, қуйидагиларни эътиборга олишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, фермер республикада амалга оширилаётган ислохотларни ўзидан бошлаши лозим, яъни у ўз фикр ва қарашларини ривожлантириши ва ижобий томонга ўзгартириши, соҳага доир ҳуқуқий ҳужжатларни мунтазам равишда таҳлил қилиб бориши ҳамда қонунчиликдаги янгиликлар билан мунтазам танишиб, ҳуқуқий билими ва ҳуқуқий маданиятини ошириб бориши лозим;

иккинчидан, фермер фаолияти давомида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги миллий ва хорижий илмий янгиликларни кузатиб, таҳлил қилиб бориши, уларнинг илғор тажрибаларидан фойдаланиб, амалиётда қўллашда соҳа мутахассислари билан ҳамкорликни йўлга қўйиши;

учинчидан, фермер хўжалигини юриштишда Президентимизнинг 2017 йил 19 январдаги "Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"¹ги ПҚ-2733-сон қарори асосида юридик хизмат фаолиятдан фойдаланишни ташкил этиши лозим. Чунки, хўжалик шартномаларини тузишда ҳуқуқшуносларнинг хулосалари фермер учун муҳим аҳамият касб этади;

тўртинчидан, фермерни замонавий ахборот технологияларидан етарли даражада хабардор бўлган тажрибали ҳисобчи, иқтисодчилар билан ҳамкорлик қилиши фермер хўжалигини иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш имкониятларини оширади;

бешинчидан, ҳар бир тадбиркор фермер шуни аниқ тушуниши ва англаши керакки, давлат уларнинг мулкӣ ҳуқуқларининг ҳимоячисидир.



Бу фикр-мулоҳазалар ва таклифларимиз примитив кўриниши мумкин, лекин бугунги замон талабларидан келиб чиқиб, фермерларимиз учун уларни тадбиркорлик фаолиятининг асосий субъекти сифатида фаолият юритишида ва соҳа самарадорлигини оширишга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

Шу ўринда хорижий давлатлар тажрибасига назар ташласак, АҚШ, Германия, Франция давлатларининг соҳага доир қонунчиликдаги ижобий жиҳатларини кўриш мумкин. Мазкур давлатларда тадбиркор фермерларга ҳуқуқий, солиқ ва бухгалтерия соҳасида уларни ҳимоя қилиш ҳамда кўллаб-қувватлаш мақсадида адвокатлар, ҳуқуқий маслаҳатчилар ва ҳисобчилар томонидан хизмат кўрсатиш амалга оширилишини кузатиш мумкин. Шунингдек, ушбу давлатларда тадбиркор фермерларнинг ҳуқуқий маданияти ҳам юқори даражададир.

Хусусан, “АҚШда деярли барча тадбиркорлик субъектларининг ўз адвокатлари ва ҳуқуқий маслаҳатчилари бор, Германияда эса тадбиркорлар назорат қилувчи органлар “эътиборига тушмаслик учун” қонунларга ва интизомга қатъий амал қилишади. Францияда солиқ сиёсатининг кескинлиги ва қатъийлиги туфайли деярли ҳар бир тадбиркорлик субъектининг бухгалтерии юрисконсулт маслаҳатсиз иш кўрмайди. Японияда тадбиркорлар ўз бизнесининг тараққиётини истеъмолчилар талабларини энг юқори даражада қондиришда деб билади”².

“Давлат хўжалик алоқаларига энг зарур бўлган ҳолларда аралашини, давлат мулки массаси кам миқдорда бўлишини хорижий давлатлар тажрибаси ҳам (Б.Британия, АҚШ (бу ўринда А. Глебнинг “Энг яхши ҳуқумат – энг кам ҳукмронлик қиладиганидир” деган қайдини эслаш фойдадан ҳоли бўлмайди)) кўрсатмоқда”³.

Фикримизча, ривожланган хорижий давлатлардаги каби мамлакатимизда ҳам соҳани мукамал ўзлаштирган ва ҳуқуқий маданияти юқори бўлган тадбиркор фермерлар соҳада

кўпчиликни ташкил этади ва қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришда уларни йиллар давомидаги тўплаган тажрибаси аграр соҳани бошқаришда асосий мезон бўлиб хизмат қилади.

Таъкидлаш ўринлики, фермернинг ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишини сўраб судга мурожаат қилиши, фермернинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятининг даражасини белгилайди. О.Оқюлов айтганидек, “ҳуқуқларни суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқий ҳимоя тизимининг энг универсал воситасидир”⁴.

Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги 2004 йил 26 августда қабул қилинган янги таҳрирдаги қонунининг 16-моддаси “Фермер хўжалигининг ҳуқуқлари” деб номланиб, унда “ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиши”⁵ белгилаб кўйилган. Таъкидлаш лозимки, қонунга мувофиқ тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда судларнинг роли янада оширилди ва судга бўлган ишонч тобора ортиб бормоқда.

Жумладан, республикаимизда “фермер хўжаликларининг манфаатларини кўзлаб судларга 4 400 та даъво аризалари киритилди (ўтган йилга нисбатан 1 247 тага кўп). Шундан 3937 таси қаноатлантирилиб, 172 234 млн. сўмини ундириш бўйича суд қарорлари қабул қилинди ва шундан 154 564 млн. сўм маблағ фермер хўжаликлари фойдасига ундириб берилди. Қарздор ташкилотларга 6 760 та талабномалар киритилган, шундан 4 042 таси қаноатлантирилиб, 116 654 млн. Сўм маблағ фермер хўжаликлари ҳисобига ундириб берилди”⁶.

“Ўз навбатида, судлар ҳам ҳар бир тадбиркорнинг ҳуқуқий маданияти ва қонунларни билиш ҳамда уларга риоя қилиш савияси юксак даражада бўлишини хоҳлайди. Чунки, қонунларнинг мазмун-моҳиятини чуқур билган тадбиркор ўзининг ҳуқуқини кимдан, қаерда ва қандай ҳимоя қилишни уддалайди...”⁷.

Юқорида келтирилган маълумотдан кўриниб турибдики, мамлакатимиз фермерлари томонидан судларга даъво аризалари билан мурожаат қилиш ўтган йилга нисбатан кўпайган. Аммо бу ҳолатни тўғри қабул қилиш ва тушуниш лозим. Фермер ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари юзасидан судга мурожаат қилиши мумкин. Бироқ таъкидлаб ўтиш жоизки, “Фермер хўжалиги тўғрисида”⁸ги қонун фермер хўжаликларини аграр соҳада фаолият юритишида асосий ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Ушбу қонуннинг 4-моддаси “Фермер хўжалигининг бошлиғи” деб номланиб, унинг биринчи қисмида “фермер хўжалигининг бошлиғи шу хўжаликнинг муассиси-фермердир. Ўн саккиз ёшга тўлган, қишлоқ хўжалигида тегишли малака ёки иш тажриба-

*Инсонлар шухрат ва бойликни
исташади. Лекин, ҳар иккаласига ҳам ҳалол йўл билан
эришишининг имкони бўлмаса,
ундай истакдан бутунлай
воз кечганингиз маъқул.*

Иоганн ГЁТЕ

сига эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси фермер бўлиши мумкин”⁸лиги назарда тутилган.

Шу ўринда “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасини атрофлича таҳлил қилиш, ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Фермер ким бўлиши мумкин? – деган саволга жавоб берадиган бўлсак, ҳақиқий фермер ташкилотчи, деҳқон, агроном, сувчи, чорвадор, механизатор, ҳисобчи каби вазифаларни уддалай оладиган шахс бўлиши кераклигини барчамиз тушунамиз. Лекин, таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳозирги давр талабидан келиб чиқиб, ушбу тушунчанинг ўзи етарли эмас. Бундан ташқари, фермер замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан хабардор бўлиши билан бирга, ҳуқуқий билим ва қишлоқ хўжалиги соҳасида кўникмаларга эга бўлиши керак. Фермернинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдалана билиши келажакда қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритишида унга кенг имкониятларни очиб беради. Манбаларда таъкидланганидек, “замонавий фермер бу нафақат тадбиркор, балки айни пайтда кичик жамоанинг раҳбари, иш берувчи ҳам ҳисобланади”¹⁰. Юқорида келтирилган фикрга қўшилган ҳолда, фермерлик билан шуғулланмоқчи бўлганлар, талабгорлар ҳам ҳозирги кунда мамлакатимизда кўпчиликни ташкил қилмоқда. “Шуниси қувонарлики, интеллектуал салоҳиятли фермерларнинг аксариятини ёшлар ташкил қилади. Замонавий фермер ҳозирги пайтда фақат ерга ишлов бериш ва юқори ҳосил олиш илмини билиш билан чекланмайди. Замонавий фермерларга бугун қирқ ҳунар оз”¹¹. Бугун замонавий АКТ шароитида ҳар қандай ишлаб чиқариш, фаолият турини интернетсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Дарҳақиқат, “Интернет орқали шартномаларни тузиш, аввало, инсон вақтини тежайди, ҳар хил оврагарчиликка чек қўяди, ортиқча бюрократиянинг олдини олади.

Хўжалик шартномаларининг интернетда тузилиши трансмиллий хусусиятга эга”¹².

Юқоридаги фикрга қўшилган ҳолда, ишончимиз комилки, республикаимиз фермерлари қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳиятини янада чуқур тушуниб, соҳадаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш билан бирга, аҳоли бандлигини, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, уларни замонавий технологиялар орқали қайта ишлаш, қадоқлаш ва экспорт қилиш орқали даромад олиш имкониятларини кенгайтиради.

Шундай қилиб, фермернинг ҳуқуқий маданияти ва фермер хўжалигини ривожлантириш бўйича қуйидагича хулосалар чиқариш мумкин:

биринчидан, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг мазмун-моҳиятини чуқур тушунтириш, бозор муносабатларидан келиб чиқиб тизимли равишда такомиллаштириб бориш;

иккинчидан, фермер хўжалиги фаолиятини тартибга соладиган фармон ва қарорлар мазмунини тушунтириш баробарида, доимий равишда уларнинг таҳлили ва мониторингини олиб бориш;

учинчидан, фермерларни мунтазам равишда аграр соҳадаги билимларини такомиллаштириш баробарида, уларга ҳуқуқий ва иқтисодий билим олиш курсларини ташкил этиш;

тўртинчидан, фермер хўжаликларини бошқа тадбиркорлик субъектлари билан тенглигини таъминлаш мақсадида Фермерлар кенгашига қонун ижодкорлиги бўйича фикр-мулоҳаза ва таклифларни доимий равишда бериб бориши;

бешинчидан, фермерлар ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини доимий равишда ўзлаштириб, улардан амалиётда фойдаланиши;

олтинчидан, фермерларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари доимо давлат ҳимоясида эканлигини ҳам унутмаслик керак.

Хусниддин ДАМИНОВ,
*Судьялар олий мактаби
докторанти*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 4-сон, 50-модда, 25-сон, 521-модда.
2. Ибрагимова А. Тадбиркорнинг ҳуқуқий маданияти бизнесни ривожлантириш кафолати // NUQUQ va BURCH. 2017. –№2. 51-б.
3. Боротов М.Х. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар субъекти сифатида давлат иштирокининг назарий ва амалий муаммолари: юрид. фан. док. ...дисс. –Тошкент: 2008. 125-б.
4. Бердияров Р. Солиқ органларининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топишнинг асослари ва тартиби // Одил судлов. 2020. –№11. 19-б.
5. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 40-41-сон, 433-модда.
6. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг 2020 йилдаги фаолияти тўғрисидаги маълумотдан.
7. Маманов И. Тадбиркорлик субъектларини суд орқали ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари. // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2016. –№4. 75-б.
8. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 40-41-сон, 433-модда.
9. Юқоридаги манбада.
10. Оқюлов О, Оқюлов Х. Замонавий фермер қиёфаси ва замонавий фермерлар корпусини шакллантириш масалалари. –Тошкент: ТДЮУ, 2016. 11-б.
11. Қўчқоров В. Ўзбекистонда фермерлик мактаби фалсафаси // Жамият ва бошқарув. 2017. –№3. 139-б.
12. Усмонов В.М. Хўжалик шартномаларини тузиш ва расмийлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш: юрид. фан. бўй. фалсафа доктори (PhD) ...дисс. Автореферати. –Тошкент: 2020. 17-б.



Муроджон ШЕРМАТОВ,
Судьялар олий мактаби таянч докторанти

СУДЛАРДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ АСОСЛАРИ

Олий суд Пленумининг 2020 йил 21 февралдаги 04-сонли “Суд муҳокамаси ошкоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги қарорига кўра, очик суд муҳокамаларида процесс иштирокчиси бўлмаган шахсларга, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари вакилларига суд мажлисида қатнашиш имконияти берилиши, фототасвирга тушириши, видеоёзувни амалга ошириши, оммавий ахборот воситаларида трансляция қилиш тартиблари бўйича тушунтириш берилган.

Суд мажлисларида жамоатчилик вакиллари иштироки фақатгина иш муҳокамаси тўлиқ ёки қисман ёпиқ суд мажлисида ўтказилганда яъни, қонунда назарда тутилган асосларга кўра (ФПК 12-моддаси иккинчи қисми¹, ЖПК 19-моддаси биринчи², учинчи, тўртинчи, бешинчи қисмлари, ИПК 11-моддаси иккинчи қисми³, МСИЮТК 13-моддаси иккинчи қисми⁴) чекланиши мумкин.

Лекин, мазкур ҳолатда ҳам иш муҳокамасини ёпиқ ёки қисман ёпиқ суд мажлисида ўтказилиши тўғрисида суд асослантирилган ажрим чиқаради ва унда процесс иштирокчилари бўлмаган шахсларнинг, оммавий ахборот воситалари вакиллари вакиллари суд мажлиси залига эркин киришига тўсқинлик қиладиган аниқ ҳолатлар кўрсатилиши керак⁵.

Шу билан бирга, судларда жамоатчиликнинг иштироки ҳар қандай чеклов ҳар бир аниқ ҳолатда қатъий асосланган ва баҳоланган бўлиши ҳамда суд томонидан пухта назорат қилиниши лозим. Масалан, жиной ишнинг мажбурий ва умумий тартибда ҳар бир иш хусусиятларини инобатга олмаган ҳолда “ёпиқ эшиклар ортида” ўтказилишини назарда тутувчи қонунлар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларнинг бузилиши ҳисобланади. Ҳатто ошкора судга бўлган ҳуқуқ чекланиши мумкин бўлганда, айбланувчилар уларнинг иши бўйича суд муҳокамаси ўтказаятган суд ёки трибуналда иштирок этишга ҳақли⁶ эканлиги кўрсатилган.

Жиноят содир этганликда айбланувчи ҳар бир шахс иши биринчи инстанция суди томонидан ошкора кўрилишига ҳақли. Аммо, суд мажлисларининг омма учун очиклиги талаби доим ҳам ёзма тақдимномалар асосида ўтказилиши мумкин бўлган барча апелляция процессларига ёхуд прокурорлар ёки давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган судга қадар қарорларга татбиқ этилмайди⁷.

Бундан ташқари, жиной ишлар бўйича барча суд муҳокамалари оғзаки тарзда ўтказилиши ва омма учун очик бўлиши лозим. Суд мажлисларининг ошкоралиги судловнинг шаффофлигини таъминлайди ва шу билан алоҳида шахслар ва умуман жамият манфаатларининг муҳим кафолати⁸ ҳисобланади.

Демак, судлар фаолияти очиклигини таъминлаш орқали фуқароларнинг, жамоатчиликнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсади илгари сурилади. Шунингдек, судлар фаолиятининг ошкоралиги ва суд муҳокамасида жамоатчилик назорати субъектлари иштирокини таъминлаш бир нечта ижобий вазифаларни ҳам бажаради:

биринчидан, суд муҳокамасида кўриб чиқилган ишлар бўйича қабул қилинган суд ҳужжатларининг қонунийлиги, ҳолислиги ва одиллигини таъминлайди ва аҳолининг кенг қатламига намойиш этиш орқали уларнинг ҳуқуқий маданияти, онги ва саводхонлигини ва уларнинг судларга бўлган ишончини оширишга хизмат қилади;

иккинчидан, суд мажлисларини жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш орқали аҳолининг кенг қатламига тарбиявий таъсир кўрсатишга, шунингдек, келажакда содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга эришилади;

учинчидан, суд муҳокамасида кўрилаётган ишларга доир амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан моддий ва процессуал қонунчиликнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка тушунтирилади;



тўртинчидан, суд органлари фаолияти, суд муҳокамасининг очиқлиги ва ошкоралигини амалга ошириш орқали жамиятда қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлиги таъминланади;

бешинчидан, судларда кўрилатган низоларнинг келиб чиқиши, шу жумладан жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабабларини ҳамда уларни юзага келтирган шарт-шароитлар омма эътиборига етказилади;

олтинчидан, жамоатчиликнинг эътиборини қонун бузилиши ва унинг юзага келиши сабабларига қаратиш, келиб чиқиши мумкин бўлган қонун бузилиш ҳолатларининг олдини олиш, унга қарши фаол курашишга жалб этишда фойдаланилади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Судьялар одоб-ахлоқ кодексининг 14-моддасига мувофиқ, судья оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳамкорлик қилиши орқали суд фаолиятининг самарадорлиги ва жамиятнинг унга бўлган ишончига ва суд томонидан қабул қилинган қарорларнинг ҳуқуқий асосларини тўғри тушунишига боғлиқлиги, жамиятни суд фаолияти тўғрисида ҳолис, ишончли ва тезкор хабардор қилиш мақсадини илгари суриши келтирилган. Бундан ташқари, суд ишларини оммавий ахборот воситаларида профессионал даражада ёритишга кўмак бериб бориши назарда тутилган⁹.

Судьяларнинг одоб ахлоқ кодекси талабига кўра, судья оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳамкорлик қилмаслиги ва суд ишларини оммавий ахборот воситаларида профессионал даражада ёритишга кўмак бермаслиги кодекснинг талабларини бузиш ҳисобланади. Бу судьяга нисбатан интизомий жавобгарлик масаласини кўриш учун асос бўлади деб келтирилган.

Шу билан бирга, юқоридаги Олий суд Пленумининг қароридан очиқ суд мажлисларида процесс иштирокчиси бўлмаган шахслар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларида очиқ суд мажлисида қатнашишини чекловчи ёки уларга монелик қилувчи шароит яратилиши процессуал қонун бузилиши эканлиги кўрсатилган¹⁰.

Лекин, кодекс ва Пленум қароридан ҳам очиқ суд мажлисларида процесс иштирокчиси бўлмаган шахслар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларида очиқ суд мажлисида қатнашишини чекловчи ёки уларга монелик қилувчи шароит яратилиши процессуал қонун бузилиши эканлиги кўрсатилган бўлсада, мазкур шахсларнинг иштироки чеклангани юзасидан шикоят қилиш тўғрисида тушунтириш бериб ўтилмаган.

“Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида”ги низомнинг талабига кўра, судья очиқ суд мажлисида жамоатчилик субъектлари

иштирокини чеклаши тўғрисидаги ҳужжати устидан бевосита судьяларнинг малака ҳайъатларига шикоят қилиши мумкин ва мурожаат умумий тартиб бўйича мурожаат малака ҳайъатига тушганидан кейин 1 ойлик муддат ичида ўтказилиши ва мурожаат ҳайъат томонидан 1 ойлик муддат ичида кўриб чиқилиши¹¹ белги-ланган.

Мазкур ҳолатда судлар фаолиятида амалга оширилаётган ислохотларни тўлиқ ишлаши ва судларда жамоатчилик вакиллари ҳуқуқ ва манфаатларини объектив ҳимоя қилишда, бундай ҳолатлар келиб чиқилишининг олдини олиш мақсадида судьянинг очиқ суд муҳокамасида процесс иштирокчиси бўлмаган субъектларнинг иштироки чеклангани тўғрисидаги ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги устидан алоҳида шикоят қилиш тартиби ва шикоятни кўриб чиқиш муддатларини белгилаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу бевосита судларнинг ошқоралиги ва самарадор фаолият юритишига замин яратади.

Бундан ташқари, малака ҳайъатлари томонидан мазкур мурожаатларни объектив кўриб чиқиш ва малака ҳайъатлари фаолияти ошқоралигини таъминлаш мақсадида малака ҳайъати аъзоси сифатида жамоатчилик вакиллари иштирокини таъминлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, судларда жамоатчиликнинг иштирок этиши судларга бўлган ишонччи янада ошириш, судлар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлиги, ҳолислиги ва одиллигини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2018 й., 02/18/ФПК/0612-сон, 13.01.2021 й., 03/21/661/0011-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотнома-си, 1995 й., 2-сон, 18.02.2021 й., 03/21/675/0126-сон.
3. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.01.2018 й., 02/18/ИПК/0623-сон, 13.01.2021 й., 03/21/663/0013-сон.
4. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.01.2018 й., 02/18/МПК/0627-сон, 13.01.2021 й., 03/21/662/0012-сон.
5. <https://lex.uz/ru/docs/4751577>
6. Инсон ҳуқуқлари бўйича кўмита, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 14-модда: Судлар ва трибуналлар олдида тенглик ва ҳар кимнинг адолатли суд муҳокамаси ҳуқуқи, 29-банд.
7. Инсон ҳуқуқлари бўйича кўмита, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 14-модда: Судлар ва трибуналлар олдида тенглик ва ҳар кимнинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқи, 28-банд.
8. Инсон ҳуқуқлари бўйича кўмита, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 14-модда: Судлар ва трибуналлар олдида тенглик ва ҳар кимнинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқи, 28-банд; шунингдек қаранг: Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, 1983 йил 8 декабрдаги қарор, Аксен Германияга қарши, № 8273/78 шикоят, 25-банд; Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро суд, 1999 йил 30 майдаги қарор, Кастильо Петруцци ва бошқалар Перуга қарши, С серияси, № 52, 172-банд.
9. sud.uz судьялар-одоб-ахлоқ-кодекси
10. <https://lex.uz/ru/docs/4751577>
11. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 17-сон, 190-модда.



**Онгарбай
УТЕГЕНОВ,**
юримдик фанлар
доктори

ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМОАТ ЭКОЛОГИК НАЗОРАТИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Жамоатчилик назорати – бу фақатгина давлат идоралари фаолияти устидан назорат эмас, балки жамиятнинг ўзини ўзи бошқариш усули, бошқача айтганда, фуқаролик жамиятини таъминлашнинг муҳим омилларидан биридир.

(Ш.Мирзиёев)

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ривожланиши тўғрисида гапирганда, Президентимизнинг «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2020 йилнинг 18 февралдаги №ПФ–5938 Фармонини алоҳида таъкидлаш лозим бўлади. Ушбу фармонга биноан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди.

Таъкидлаш лозимки, Европа ва Шимолий Америка мамлакатларида ҳам маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари демократиянинг асосий ва тажриба кўрсатганидек, энг самарали институт бўлиб, жамоат назоратини амалга оширувчи муҳим субъектлардан бири ҳисобланади. Бу ушбу органларнинг алоҳида ҳуқуқий мақоми билан боғлиқ бўлиб, жойларда инсонларнинг бевосита кундалик ҳаёт тарзини уларнинг шахсан иштирокида тартибга солиши ва қўллаб-қувватлаши¹.

Айни дамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоат экологик назоратининг субъекти сифатидаги ҳуқуқий ҳолати 2013 йил 27 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг «Экологик назорат тўғрисида»ги ҳамда 2013 йил 22 апрелдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги (янги таҳрири) қонунлар, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан белгиланади. Шу билан бир қаторда, экология соҳасидаги махсус тармоқ қонунчилигида ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг экологик, жумладан, жамоатчилик экологик назорати соҳасидаги ваколатлари тартибга солинган.

Хусусан, янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда² фуқаролик жамияти институтининг жамоат экологик назорати билан у ёки бу даражада боғлиқ бўлган қуйидаги ваколатлари кўзда тутилган: тегишли ҳудудда қонунлар ва бошқа

